

Oila va jamiyat

Gazeta 1991-yil 1-sentabrda chiqib boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi_bot



Aralashuvdan so'ng



Йигит ҳаттоки туман имомини олдида ҳам ўз айбини тан олмади, муаммо чигал эди. Ҳақиқат шуки, бу жойда Г.ни хатоси бор, йигитга ўзини топшириб қўйганлигида. Энг ачинарли ҳолат қизни ота-онасини қадди букилган, бир акаси Россияга кетиб қолган. Зулхумор опа билан биргаликда ҳокимнинг қабулига кириб, бу муаммога ечим топдик. »3

Гиннес rekordi



2015 йил Спорт телеканаллида "Record.uz" кўрсатувини онаси билан мунтазам томоша қилиб бораётган Жансулув бир куни "Ая, мени ҳам шу кўрсатувга олиб бориңг, қатнашиб кўрай", деб қатъий туриб олади. »7

To'polonchi bola



— Агар сизнинг ўғил фарзандингиз мактабда тўполон қилаётган, тенгдошлари ўртасида ўз ўрнини топишга қийналаётган бўлса, албатта, бу масалага жиддий ёндашган ҳолда бош қотириш керак. »8

Avtobuslar tiqilinch



Дарсдан чиқиб, бекатда 84-автобусни кутаман, баъзида 20, баъзан 25 дақиқада етиб келган автобусга сигмай қолган вақтларим кўп бўлади. Уйга жуда кеч етиб бориб, оила аъзоларимни ҳам хавотирда қолдираман. »11

KOTIBANING KO'RINISHI MUHIMMI, MA'NAVİYATI?

"FACEBOOK" Ижтимоий тармоғидан олинган бу мулоҳазалар котиба яъни халқ тилида "секретар" деб юритилувчи ходимларга нисбатан ишлатилган. Айримлар корхона ёки ташкилотда ишловчи котибаларни кўриниши муҳим деса, баъзилар муомаласи ҳамда маънавияти дейишади. Хўш, аслида котибанинг кўриниши муҳимми ёки маънавияти?





Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси – қутилмаган ҳолатлар, вазиятлар макони дейиш мумкин. Бу ерга турфа тақдирга эга, турли ўй-ниятдаги инсонлар, асосан, аёллар нажот излаб келишади. Балки шу туфайлидир бу ерда ҳеч ҳам қутилмаган ҳодисаларга тез-тез дуч келинади.

Яқинда кўмита ходими Феруза Орипова икки ҳафтала мўқаддам бўлиб ўтган ана шундай воқеа ҳақида ҳикоя қилиб берди.

“Тонги соат 7 лар атрофида ишга бошлаб турганим, бирдан телефоним жингилди. Психолог Шоира Исоқова экан, хавотир билан сўз бошлади:

– Феруза, уэр, сизни безовта қилдим, ишга шошаётгандирсиз... Менга ҳам ҳозир танишларим кўнғироқ қилиб, “Шоира опа, биз яшаётган уй яқинидаги

чиқиндихонада бир аёл 1-2 ёшлар атрофидаги бола билан яшайпти. Бола тинимсиз йиғлайди, она эса “қашқадарёликман, даволанишим керак, болани детдомга топшираман” дейди, нима қилсак экан шу бўйича?” деб сўрашяпти. Шунинг учун дарров сизга телефон қилдим.

– Шоира опа, ўшаларга айтинг, бизнинг 1146 рақамли “Ишонч телефони” мизга чиқиб, воқеа ҳақида батафсил маълумот беришин. Она-бола ҳали ҳам чиқиндихонада бўлса, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига зудлик билан юборишин, – дедим мен Шоира опага ва хаёлимдан: “Қайсидир

BIROVNING BOLASINI O'G'IRLAB,

u bilan chiqindixonada yashayotgan xasta ayol qo'mitadan yordam so'radi

қийналган аёл Тошкентга келиб, даволанмоқчи бўлса, имкон тополмадимикан ёки ўзи асл мақсади боласини Меҳрибонлик уйига топширишимкин? Ундай бўлса, нега шунча вақтдан буён чиқиндихонада яшаб юрган экан-а?” деган фикрлар ўтди.

Ўша куни соат 10 лар атрофида Кўмитада давом этаётган қабул пайти Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Озода Исмолованинг қабулига ўзини

Бу аёл аслида руҳий касал бўлиб, ҳақиқатан ҳам бола уники эмас экан. Аёл сингласининг фарзандини ўғирлаб келган бўлиб, бечора ота-она 2 кундан буён боласини қидираётган, ҳатто уни топиш учун вилоят ички ишлар бошқармаси ҳам “оёққа турган” экан.

“қашқадарёликман”, дея таништирган аёл кўлида кичкина бола билан кириб келди. Сўхбат жараёнида аёлнинг ўзини тугиши, болага нисбатан ўта совуққон эканлиги ва ёши катталиги, болани аввалга ўз фарзандим деб таништириб, кейин эса бировнинг боласи дейиши, саволларга узуқ-юлуқ жавоблар бериши Озодахонда шубҳа уйғотади. У вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида Қашқадарё вилоятига кўнғироқ қилиб, аёл ҳақида маълумот сўрайди.

Маълум бўлишича, бу аёл аслида руҳий касал бўлиб, ҳақиқатан ҳам бола уники эмас экан. Аёл сингласининг

фарзандини ўғирлаб келган бўлиб, бечора ота-она 2 кундан буён боласини қидираётган, ҳатто уни топиш учун вилоят ички ишлар бошқармаси ҳам “оёққа турган” экан. Болакайнинг онаси эса хавотир ва кўрқувдан аҳволи ёмонлашгани маълум бўлди.

Шу куни Қашқадарё вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси тезкор чора қўриб, аёл ва бола учун машина юборди. Болакай онасининг қўлига соғ-омон топширилди. Ҳаста аёл эса даволаниши учун шифохонага ётқизилди.”

Чиндан ҳам, лоқайдлик инсониятни жаҳолатга етаклайди, хушёрлик эса тинчлик ва хотиржамликка сабаб бўлади. Агар аёлни ўша чиқиндихонада қўрганлар хабар бермаганида, уларни анча вақт боққимганида, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига кузатиб юборишмаганида, қандайдир салбий воқеа содир бўлиши мумкин эди-ку. Психолог Шоира Исоқова, кўмита ходимлари Феруза Орипова ҳамда Озода Исмолованинг вазиятни тўғри баҳолаб, ўз вазифасига масъулият билан ёндашишгани боис балки юз бериши мўқарар бўлган бир фожианинг олди олинми, ҳаммаси яхшилик билан яқунлангандир?!

Ҳаммаиш ҳаммиша ана шундай хушёр бўлайлик.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Матбуот хизмати.

BARKAMOL AVLOD ULG'AYAR BUNDA

Президентимиз томонидан мамлакатимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни жаҳон андозалари даражасига етказиш, соҳани билимдон, фидойи ва тажрибали кадрлар билан тўлдириш бораси улкан ислохотлар амалга оширилди ва давом этмоқда. Ҳаётга татбиқ этилаётган фармон ва қарорлар ижросини таъминлашда Шаҳрисабз халқ таълими бўлимида ҳам қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

– Шаҳар халқ таълими бўлимида жами 25 та мактаб (шу жумладан, 2 таси вилоят тасарруфидоги ихтисослаштирилган мактаблар) ва “Баркамол авлод” болалар маркази мавжуд, – дейди Шаҳрисабз шаҳар халқ таълими бўлими мудири Баҳодир Рўзиев. – Таълим икки (ўзбек ва рус) тилда олиб борилади. Шаҳрисабз шаҳар ҳокимининг қарори билан 2019 йилнинг бошида Баркамол авлод маркази ташкил этилди.

Таълим муассасаларида жами 1448 нафар (шундан 1169 нафари аёллар) педагоглар бўлиб, улардан, 75 фоиздан зиёдроги олий маълумотли кадрлардир. Таъкидлаш кераки, шаҳримизда кадрлар етишмовчилиги йўқ.

Халқ таълими бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори



Таълим муассасаларида жами 1448 нафар (шундан 1169 нафари аёллар) педагоглар бўлиб, улардан, 75 фоиздан зиёдроги олий маълумотли кадрлардир. Таъкидлаш кераки шаҳримизда кадрлар етишмовчилиги йўқ.

ижроси бўйича ҳамда маънавий ва маърифий соҳада халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасаларидаги таълим-тарбия олаётган ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш мақсадида 8-9-10-синф ўқувчилари билан шаҳардаги ҳарбий қисмда хизмат

қилаётган зобитлар ва аскарлар билан давра сўхбатлари ташкил қилинди.

Маънавий соҳасида ютуқлар ҳам мақтовга эригулик. Шаҳардаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Зухра Очилова 2019 йил 21-23 август кунлари Хоразм вилояти Урганч шаҳрида ўтказилган “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўриктанловининг мутлақ ғолиблигини қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ўртасида ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро дастурда (PISA 2021) иштирок этиш тўғрисидаги келишувга эришилди.

PISA (Programme for International

Student Assessment) – ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқот дастури бўлиб, дастурнинг асосий мақсади 15 ёшли ўқувчи ёшларнинг ўқиш, (матнни тушуниш), математика ва табиий фанлар бўйича саводхонлик даражаларини ҳамда ижодий фикрлаш кўникмаларини турли хил тестлар ёрдамида баҳолашдан иборатдир.

Шу мақсадда 3-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Луиза Каримова ва 6-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Мухиба Жумаева Тошкент шаҳрида бир ҳафталик ўқув курсларини, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилган “Мактабча ва умумий ўрта таълимни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида халқаро талаблар асосида тест синовларини ишлаб чиқиш ҳамда таълим сифатини халқаро дастурлар асосида мониторинг қилиш бўйича Таълим сифатини мониторинг бўлим инспекторлари Икром Сувонов ва Наргиза Ҳамроева 2019 йил 1-14 июл кунлари Тошкент шаҳрида тажриба орттириб, вилоят ва шаҳар тренерлари ўртасида семинар тренинглар ташкил қилишди.

Шаҳрисабз шаҳар Халқ таълими бўлими бошланғич таълим йўналиши бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Бошланғич синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Абдулла Орипов издошлари” кўрик танловининг вилоят босқичида 13-мактаб бошланғич синф ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси фахрли 2-ўринни, 14-мактабнинг ўқувчилар жамоаси 2-ўринни, 11-мактаб ўқувчилар жамоаси 3-ўринни эгаллашди.

Бир сўз билан айтганда, шаҳар халқ таълими жамоаси баркамол авлод тарбиялаш борасида бир ёқадан бош чиқариб, яқдиллик билан меҳнат қилишаётган.

Санобар ФАХРИДИНОВА

oilavajamiyat@mail.ru

GAZETA ARALASHUVIDAN SO'NG...

Сурхондарё вилояти Бойсун туманида яшовчи Анаора Қурбонованинг тахририятга йўллаган илтимосномаларини ўрганиш мақсадида воҳага йўл олдик.

Мақтубда ёзилишича, опа туманининг энг чекка қишлоғида ижара уйда яшар экан. Беш нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи вафот этган. Бир нафар қизи биринчи гуруҳ ногирони. Яшаш шароитлари аризада кўрсатилганидан ҳам ачинарли ҳолатда. Яшаётган уйини кўриб, очиги йиғлаб юбордим. Бу аёлнинг муаммосини ҳал қилиш ниятини дилимга тугиб, туман ҳокимиятига бордим. Хотин-қизлар кўмитаси раиси Саодат Жўрақулова билан учрашиб, аҳволни тушунтирдим. Кўмита раиси Анаора опага ҳокимлик томонидан уй берилгани ва уйнинг бошланғич тўлови амалга оширилганини баён қилди. Уй битса кириб яшашлигини таъкидлади. Анаора опа эса шундай ёмғирли кунда тепасидан чакка ўтиб турган жойда яшаб бўлмастлигини, ногирон қизининг соғлиғи ёмонлашиб қолганлигини, имкони бўлса янги уйини тезроқ битириб беришларини илтимос қилди. Чунки ҳали уй битмаган, очилиш маросими бўлмаган эди. Қаловини топса қор ёғар деганларидек, имкони топилса бу муаммо ҳал бўлишини кўзлаб кам таъминланган, имконияти чекланганларга қўрилаётган уйлارни бориб кўрдик. Қўрилиш объектининг ўринбосари билан учрашиб, ҳолатни тушунтирдик. У киши ҳали таъмирни охирига етказмадик, агар истасангиз бемалол кириб яшашингиз мумкин, деган фикрни айтди. Ана шу гапларни эшитгач, Анаора опанинг хурсандлигини кўрсангиз эди... Уша кунийёк опани янги уйларига кўчириб қўйдик. Очилиш маросимига бемалол яшашлари мумкинлиги айтилди. Бир оилани қувончига шерик бўлган қалби



ўқик инсонларни бошпана билан таъминланишига ҳисса қўшган курувчиларга тахририятимиз номидан миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ҳа, айтганча опанику бир амаллаб янги уйга кўчириб қўйдик, энди уйнинг қолган тўловларини тўлаш учун унга иш керак. Бу муаммони ҳам ҳал қилдик. Тумандаги тикув цехига мўлжалланган корхонага Анаора опани ишга жойлаштирдик. Энди ўзи ишлаб уйнинг тўловларини тўлашлари мумкин.

МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИЛДИ, ЛЕКИН

Бу мақолани нима деб номлашни ҳам, қандай ёзишни ҳам кўп ўйладим, лекин ёзмастикнинг ҳам иложи йўқ. Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидан Г. исмли қиз тахририятга келиб, аянчли тақдири ҳақида сўзлаб, агар муаммоси ҳал қилинмаса ўз жонига қасд қилиш ниятида юрганини айтди. Г.нинг айтишича, унинг акалари қиз бола кўчада юрса ёмон йўлга юриб кетади деб касб-хунар коллежига боришига йўл қўйишмаган. Натижада Г. жудаям содда, ким нима деса ишонадиган

ЙИГИТ ҲАТТОКИ

туман имомини олдида ҳам ўз айбини тан олмади, муаммо чигал эди. Ҳақиқат шуки бу жойда Г.ни хатоси бор, йигитга ўзини топшириб қўйганлигида. Энг ачинарли ҳолат қизнинг ота-онасининг қадди букилган, бир акиси Россияга кетиб қолган. Зулхумор опа билан биргаликда ҳокимнинг қабулига кириб, бу муаммога ечим топдик.

қиз бўлиб улгайган. Ўзидан 3 ёш кичик кўшниси М. исмли йигит унга севги изҳор қилади. Ўрталарида аҳду-паймон бошланиб, М. унга уйланиш нияти борлигини айтади. Йигитнинг ширин сўзларига ишонган қиз кунларнинг бирида ўз уйида ҳеч ким йўқ пайти йигитга ихтиёрини топшириб қўяди. Бокирелигидан айрилгач, қиз нима иш қилиб қўйганини тушуниб етади. Шундан кейин воқеалар ривожига бошланади. Йигитнинг ота-онаси, яқинлари қизни олиб бермаслик учун курашишса, қизнинг ота-онаси унга таъ-

на тошларини отишни бошлайди. Г.нинг отаси инсуль бўлиб ётиб қолади. Йигитнинг онаси эса ўз жонига қасд қилади. Бу воқеада ҳам йигит тарафдагилар қизни айблашади. Ваҳоланки, қиз умуман кўчага чиқмай қўйган, йигитнинг онасини ҳам кўрмаганини таъкидлайди. Бу гап-сўзлардан хабар топган маҳалла мутахассислари воқеанинг олдини олиш, икки тарафни яраштириб тўй бошлаш ўрнига жимгина томошабин бўлиб туришади. Охир-оқибат йигитни бошқа қизга унаштиришади. Г. йигитнинг бўлғуси рафиқаси олдида бориб воқеа тафсилотини тушунтирмоқчи бўлганида уни бормасликка кўндиришади. Шундай қилиб йигит қиз билан бўлиб ўтган воқеани бўйнига олмайди. Қизга нисбатан тана тошлари отилавергач, у невроз бўлиб қолади. Қўл-оёқлари қалтирайдиган, асабийлашиб стрессга тушиб тинмай ўз жонига қасд қилиш ҳақида ўйлаб бошлайди. Яхши бир инсоннинг йўл-кўрсатишлари билан тахририятга келади. Г.нинг аризасига кўра Қумқўрғон туманига йўл олдик. Туман ҳокимлигига кириб, воқеадан масъулларни хабардор қилдик.

Туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулхумор Хидирова билан учрашдик. Опа бу воқеани ечими жуда қийинлигини айтиб, йигит уйлангани ва қилган ишини тан олмаётганлигини айтгач, бошимиз қотди. Йигит ҳаттоки туман имомини олдида ҳам ўз айбини тан олмади, муаммо чигал эди. Ҳақиқат шуки бу жойда Г.ни хатоси бор, йигитга ўзини топшириб қўйганлигида. Энг ачинарли ҳолат қизнинг ота-онасининг қадди букилган, бир акиси Россияга кетиб қолган. Зулхумор опа билан биргаликда ҳокимнинг қабулига кириб, бу муаммога ечим топдик. Г.нинг тўғри ҳаётга қайтиши учун психологлар билан суҳбат уюштирилди. Ҳомийларнинг ёрдами билан Г.га битта чок машина олиб берилди ва яна моддий ёрдамлар ташкил қилинди. Қизимиз ҳам қилган хатосидан керакли хулоса чикарди ва фақат олдинги интилиб яшашга сўз берди.

Муаммога ечим топилди лекин қизнинг ҳаётини барбод қилган йигит-чи? Уни бир умр виждон азоби кийнамасмикин? Шу ўринда қизларимиз ҳам йигитларнинг ширин сўзларига учмай ўз орномусларини асрашларини илтимос қилиб қолардик. Бу воқеада энг катта айбдор эса аслида ота-оналардир. Агар қиз бола вақтида билим олса, ҳунар эгалласа у ҳар бир босаётган қадамани ўйлаб босадил, ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қила олади. Ҳунарли бўлса бекорчиликдан зерикмайди, топган маблағини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатади. Ана шунда ариза кўтариб эшик-ма-эшик юрадиган ҳолатга тушиб қолмайди.

Хуллас бир тақдир эгасини ҳаётга қайтаришга ёрдам берганликлари учун туман ҳокимига, хотин-қизлар кўмитаси тизимида ишлаётган фуқаролари дардини ўз дардидек ҳис қилиб меҳнат қилаётган барча масъул раҳбарларга миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

Мукаррама Азиз

AXLOQSIZLIGI SABAB BORIDAN AYRILDI

Ajabo

Америкалик Кевин Ховард оиласини муқаддас ҳисобларди. У 12 йил хотини билан бирга яшади. Яқинда хотини у билан ажрашиш истагида экани ҳақида хабар берди. Кевин учун бу қутилмаган зарба бўлди. “Бу хабар менга худди яқин қариндошингиз ўлди, дегандай таъсир қилди”, дейди америкалик.

Эр-хотин оилавий психолога мурожаат қилишди, аммо бу ҳам муносабатлари яхшиланишига ёрдам бермади. Ховард аёлидан шубҳалана бошлади ва уни кузатиб юриши учун изқувар ёллади. У томонидан ёллан-

ган изқуварнинг айтишича хотини унга ўз ҳамкасби билан хиёнат қилган. Уша эркак ҳатто буларнинг уйда меҳмон бўлган экан. Кейин Кевин хотинининг жазманини ўзгаларнинг никоҳ муносабатларига аралашгани учун судга берди.

Дастлаб судланувчи судга берувчининг устидан қулди, лекин суд қутилмаганда Ховарднинг ёнини олди. Гарчи АҚШнинг аксарият штатларида бошқа бировнинг никоҳини қасддан бузиш ҳақидаги қарор ўз кучини йўқотган бўлса-да, шимолий Каролини штатида ўз кучида қолган. Энди ошиқ Кевинга 750 000 доллар миқдориди жарима тўлашга мажбур.

Кевин хотини билан ажрашди ва энди ўзини қайта тиклаб олишига узоқ вақт кераклигини айтди.

Жасмин тайёрлади.



ОТА-ОНАЛАР МАЖЛИСИДА ZERIKASIZMI?..

Кўп йиллик иш фаолиятим давомида шунга амин бўлдимки, ақсарият синф раҳбарлари ота-оналар мажлисларига жуда бепарво қарашади. Мажлисларни хўжақўрсинга ўтказиб юборишади. Ахир уларни қийнаётган муаммоларнинг барчасига ушбу мажлисларнинг тўғри ташкил этилмаганлиги сабаб бўлаётганлигини англашмайди. Шу боис ушбу мажлис борасидаги мулоҳазаларимни ҳамкасбларим билан ўртоқлашиш истагида ушбу мақолани ёзишга қарор қилдим.

uni qiziqarli va samarali tashkil etish ham mumkinmi?

вазиятлар намоён бўла бошлади ва улар ўзларига керакли сабоқларни “териб олишади”.

Яна бир қизиқарли мавзулардан бири – “Сиз қандай бола бўлгансиз?” бу мавзу ҳам ўртага ташланган чоғида ота-оналар беихтиёр ўзларининг болалик чоғларида йўл қўйган хатоларини эслашади ва тарбия жараёнида бу жуда асқотади.

НЕГА ФАҚАТ ОНАЛАР КЕЛАДИ?

Мақтаб ва оила ҳамкорлигини, ҳамжихатлигини йўлга қўйишда ота-оналар мажлиси кўприк вазифасини ўтайди. Уларни мактабга таклиф қилиш осондек туюлгани билан буни уддалаш анча мушкул. Айрим ота-оналар фарзандининг мактабда таълим олишидан кўра, оила иқтисодида

оталарни жалб этишга ҳаракат қилинг. Масалан, бу сафарги мажлисда кимнинг отаси келса, бу унинг баҳоларига катта таъсир кўрсатишини, оталар учун махсус мусобақа саволлари тайёрлаётганингизни болаларга тез-тез эслатинг. Хуллас, боланинг мактабдаги қизгин ҳаёти оталарнинг эътибори ва иштироки билан чамбарчас боғлансин.

“ИККИЧИ” ЛАРДАН САРДОРЛАР ТАЙЁРЛАНГ!

Ҳа, сиз синф раҳбарисиз, ўқувчиларингизни шунчаки назорат қилмасдан, балки уларни яхши ўқишга рағбатлантиришингиз, яъни уларни уйғота олишингиз керак. Бу жараёнда эса фақатгина аълочилар командаси билан чегараланиб қолманг. Сиз ноодатий усулни танланг, яъни “иккичи”лардан ўзингизга ёрдам-

ота-оналар мажлисини ими-жимиди ўтказгани “Сен менга тегмасанг, мен сенга тегмайман” ақидаси билан боғлиқ эмасмикан?... Хўш, ота-оналар мажлисини жонли, баҳс-мунозарарга бой, ҳамжихатликда ўтказиш учун яна нима қилиш керак?

Мақтабингиздаги ота-оналар мажлисини турли маънавий-маърифий тадбирлар билан бир вақтда ўтказишга ҳаракат қилиб кўрганмисиз? Деярли ҳар куни қизиқарли беллашув, байрам ва тарихий саналар муносабати билан маънавий-маърифий кеча, спорт мусобақалари ташкил қилинади. Тадбир олтидан ота-оналар мажлисини ҳам белгилаб олина ва ота-оналарга махсус таклифнома юборинг.

Дейлик, икки синф ўқувчилари ўртасида мусобақа ўтказилади. Мак-



ФАРЗАНДИНГИЗ ЎЗИНГИЗГА ДУШМАН БЎЛМАСИН!

Аввало ота-оналар мажлисларига худди чиққ дарсга тайёрлангандек тайёрларлик кўриш керак. Токи сиз мажлисни бошқарар экансиз жараёнда қўллаш учун бир неча методларингиз бўлиши керак. Токи турмуш ташишларига ўралашиб қолган ота-оналар фарзандлари тарбиясига янада эътиборлироқ бўлишсин. Масалан, кутилмаганда ота-оналарга уларни мулоҳазага чорлайдиган саволларни бериб кўринг: “Сиз бугун хушёр ва зийрак бўлсангиз, эртага фарзандингиз сиз учун энг яқин дўста айланади. Аксинча, улар ўзингизга энг хавфли душман бўлиб вояга етишлари мумкин. Сиз қайси бирига тайёрсиз?” Бундай саволларга жавоб топиш жараёнида ота-оналар беихтиёр фарзандлари билан бўлаётган тушунмовчиликлар, англашилмовчиликлар ҳақида сўз очиб қолишади. Мунозара ўз-ўзидан қизий бошлагач, турли оилалардаги турли

фойда келтирадиган тирикчилик воситаси билан шугулланишига кўпроқ вақт ажратади. Боласининг “Бугун мажлисга борасизми?” деб ялиниб-ёлворишига қарамай, барибир мактабга бормаслик кўпчилик ота-оналар учун одатий ҳолга айланиб қолган. Фарзандини ҳуда-бехуда мактабдан олиб қолаверадиган ота-оналар эса боласи кўп дарс қолдиргани ва ўзлаштириши пастиги учун танбех мактабдан билгани учун ҳам боришни хоҳлашмайди. Ундан кўра фарзанди синф раҳбаридан “Ота-онанг нега мажлисга келмади?” дея дашном эшитгани маъқулроқ. Ота-оналар мажлисига асосан аёллар келади. Ваҳоланки, болага отанинг таъсири онага нисбатан кучлироқ бўлишини мажлисга боришни истамайдиган оталарнинг ўзлари ҳам яхши билишади. Болага эса, албатта, онасининг боргани маъқул, ҳар ҳолда она отадек қаттиқ қоймайди-да. Бироқ сиз ҳам ташаббускорликни кўлдан бой берманг. Синф раҳбари сифатида мажлисга кўпроқ

чи гуруҳ тузинг. Улар ўзларига юқлатилган бу вазифани аввалига уддалай олмасликлари мумкин, лекин кейинчалик ўзларига билдирилган ишончни қандай бўлмасин оқлашга интилиши кучайиб боришни кузатишингиз мумкин. Ҳаттоки, энг паст баҳога ўқийдиган ўқувчини маълум муддатга сардор қилиб тайинланг. Сардорга қулоқ солмаган ўқувчиларни масъулиятсизлиги учун қатъий тартибга чақиринг. Ана шунда аста-секинлик билан синфдаги руҳият ва муҳит ўзгариб боради. Ўзингиз ҳам иш фаолиятингиздан ўзгача завқ ва қувват оласиз.

СИНФ РАҲБАРИ ҲАМ АЙБДОР!

Ота-оналар мажлисининг талаб даражасида ўтказилмаслигига синф раҳбарлари ҳам маълум маънода айбдор. Иштирокчилар кўп бўлса, турли гап-сўзлар кўпайиши мумкин дея мактаб раҳбарларини мажлисга таклиф қилишмайди. Синф раҳбарларининг

таб раҳбарлари, фан ўқитувчилари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишади. Қизиқарли кураш ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой тадбир тугагач, иккала синф ўқувчиларининг ота-оналари иштирокида йиғилиш бошланади. Қарабсизки, мактаб директори, ўринбосарлар, иккала синф раҳбари ва фан ўқитувчилари қатори кўпчилик ота-оналарнинг кайфияти кўтарилади. Чунки уларнинг фарзандлари тадбирда фаол иштирок этишди. Баъзилар боласи сусткашлиги учун хижолат ҳам бўлади. Бундай тартибда ташкиллаштирилган ота-оналар мажлисидан сўнг, айниқас, дангаса ва ўйинқароқ, ўзлаштириши суст, жамоат ишларида фаол бўлмаган ўқувчиларда ҳам тенгдошларидек бўлишга интилиш ҳисси кучая бошлади.

Дилдора БИЛАЕВА,
Тошкент шаҳар
Яшнобод туманидаги
104-мактабнинг бошланғич синф
ўқитувчиси

ОРЗУ

Болакайга дўстлари копток соғга қилишди. Болакай туғма оёқсиз – ногирон эди...

УЛФАТЛАР

Даливой йўл бўйида улфатлари билан ўтирарди. Узоқдан иккита катта сумкани кўтарганча майишиб бозордан қайтаётган хотини кўринди. Аёл улфатларга яқинлашганда нафас ростлагани тўхтади.

– Нега бировнинг хотинига судланасанлар! – ўшқирди, Даливой бараварига ўша томонга тикилган



QATRALAR



дўстларига. – Эракмисанлар ўзи!

Даливойнинг дўстлари у томонга бошқа қарамади. Хотини инқиллаб-синқиллаб ўтиб кетди...

ФАРЗАНДЛАР

Бобонинг уч ўғли гаплашиб келишарди: отасининг қишлоққа нафи кўп теккан – ҳамма томларни ўзи ёпган эди.

Бобонинг уч ўғли мактабни келишарди: отасининг давлатга ҳам нафи кўп

теккан – уч ўғли уч мансабда!

Бобонинг уч ўғли мактабни келишарди: отасидай мулоим одам йўқ – 80 га кириб бировнинг кўнглини оғритмабди...

Бобонинг уч ўғли... отасининг жанозасига уч кун кечикиб келаётганини хали билишмасди.

МУАММО

Интернетда эълон қилинган ота-онани қадрлаш борасидаги танловда

ютиши учун биргина нарса етишмаяпти. Ота-онаси билан тушган сурати! У учун энг қийин муаммо ҳам шу эди-ку ахир! Майли, онасини бир амаллаб кўндирар ҳам. Лекин, отаси... Отаси-чи?.. Ахир уч ойдан ошган-ку, отаси билан ҳафалашиб, гаплашмай қўйганларига...

АЧИНАРЛИСИ...

Тошқул ўзини кутилмаганда чаққан чаённинг захридан бир ҳафтача азобланиб, оламдан кўз юмди. Энг ачинарлиси, уни ўша чаённинг ўзи кўмди.

Жафарсодиқ

UCH OG‘AYNI BOBOLAR

Бобомурод бобо, Эркин бобо ҳамда Давлат бобо. Қамашада, яъни биз тарафларда бу учала инсонни доим биргалликда кўришадди. Ёучовлон бирор қадамгога зиёратга отланаётган бўлади, ёки бирорта тўй-ҳашамда битта дастурхон атрафида чолашаётган бўлади. Аслида-ку, бу инсонлар бир қишлоқда туғилган элдош эмаслар. Хўш, уларни нима элдошликдан ҳам яқинроқ дилдошга айлантира олди?! Пиру-бадавлат боболар билан суҳбат қураб эканман, мени энг кўп қизиқтирган савол аввало шу бўлди...

Бир вақтлар мени оғир ҳасталиқдан даволаб оёққа турғизгани учун отамдай қадрли инсонимга айланган нафақадаги шифокор Давлат бобо Бегимқулловни кираиб борганимда бу боболар Давлат бобонинг ҳовлисидаги мўъжазига боғини айланиб юришган экан. Кексаларнинг серхикмат суҳбатини суяман — бу мен учун айна мудоао эди!

Боболар билан саломлашиб-сурашиб, гурунги-га қулоқ бердим. Жуда тез фурсатда шу нарсага амин бўлдимки, “пирубадавлат” деган таъриф айнан шу зотлар каби инсонларга қарата айтелса арзирли бўлади. Ахир Бобомурод бобо олтига фарзандни, Эркин бобо саккизга фарзандни, Давлат бобо эса етти фарзандни улғайтириб, ўз таъбирлари билан айтганда “уяга кўндаришибди”. Бугунги кунда ҳар учала бобонинг кўнгли хотиржам, оиласи тинч, дастурхони тўкин экан — инсон учун бундан ҳам ортиқ саодат борми? Қолаверса, ёши етмишга яқинлашган боболар ҳали кексаликни тан олишганича йўқ, иккисининг — Бобомурод бобо ва Эркин бобонинг ер-фермер хўжалиги бор бўлса, Давлат бобо ҳам “Давлат бобо” хусусий корхонасининг раҳбари. “Меҳнат инсонни қайраб ёшартиради, элнинг дуоси умрни узайтиради”, дейди бобоси тушмагурулар.

Боболарнинг суҳбати кўпроқ ёшлик ва ўсимирлик йиллари билан боғлиқ кечарди. Боғ айланиб анор навлари ҳақида гурун юритар эканмиз, мен бу юзидан нур ёғилиб турган нуруний зотлардан яшаш ва ёшариш сирларини яхшироқ билиб олиш учун саволга тутаман.

— Бобомурод бобо, — дейман, саволим муҳбирча чиқётганидан сал ийманиброқ, — Дўстлашганингизга неча йил бўлди? Шу орада бир-бирларингиздан нималарнидир ўргандик, деб ўйлайсизми?



Бироқ ийманишим ўринсиз бўлиб чиқди-ю, саволимдан Бобомурод бобонинг чеҳраси ёришди.

— Дўстлашганимизга ҳам қарийб 30 йилдан ошгандир-ов, — дейди, атрафидаги сафдошларига бир қараб олиб, гапини тасдиқлаётган эса давом этади:

— У пайтларда мен механизатор бўлиб ишлар, Эркин бобонг колхозда иш юритувчи, Давлат бобонг эса шифокор эди. Тасодифми, оллоҳнинг иродасими билмайман, бир-биримиз билан танишиб, қалин дўстларга айланиб кетганмизда, улим.

Ўрганишга келсак, элда “қовун қовундан ранг олади” деган гап юради — шу гап ҳақиқат. Кексами, ёшми инсон ҳаммиша атрафидаги одамлардан нимадир ўрганади, ён-веридоғиларга ўхшаган интилади. Шахсан мен икки дўстимдан елкадош бўлишни ўргандим, меҳнаткашликни ўргандим. Ким билсин, балки иккала дўстим дангаса бўлганида, амаллаб нафақага чиқиб олдик, энди невараларга белни уқалатиб ётаверган яхши, дейдиганлардан бўлганида ҳозир мен ҳам бунчалик тетик бўлмасмидим...



чиқиб олдик, энди невараларга белни уқалатиб ётаверган яхши, дейдиганлардан бўлганида ҳозир мен ҳам бунчалик тетик бўлмасмидим...

— Шуни тан олганинг ҳам яхши, — қулиб лўқма ташлайди Давлат бобо. Мен энди Давлат бобого қарайман:

— Дўхтир бобо, инсон кексая бошлаганини неча ёшларда ҳис этар экан?

— Уйдаги тинчлик бўлса, фарзандлари оқибатли бўлса, нимадир меҳнат билан шуғулланиб турса инсон ҳеч қачон кексаймайди, — Давлат бобо бирдан жиддий тортади.

— Медицинадаги узоқ йиллик

Ўрганишга

келсак, элда “қовун қовундан ранг олади” деган гап юради — шу гап ҳақиқат. Кексами, ёшми инсон ҳаммиша атрафидаги одамлардан нимадир ўрганади, ён-веридоғиларга ўхшаган интилади. Шахсан мен икки дўстимдан елкадош бўлишни ўргандим, меҳнаткашликни ўргандим. Ким билсин, балки иккала дўстим дангаса бўлганида, амаллаб нафақага чиқиб олдик, энди невараларга белни уқалатиб ётаверган яхши, дейдиганлардан бўлганида ҳозир мен ҳам бунчалик тетик бўлмасмидим...

тажрибамдан келиб чиқиб ҳам, ҳаётнинг ўзидан олган тажрибамдан келиб чиқиб ҳам айтишим мумкинки, ҳаракат ва хотиржамлик — бу иккови инсонни эрта қаришдан сақлайдиган асосий нарса. Менимча, ҳожи бобонг билан Эркин бобонг ҳам гапимни маъқуллашса керак...

Бу гапдан сергакланаман.

— Э, ҳали ҳаж зиёратини ҳам ўтаб қайтганмисиз? — сўрайман Бобомурод бободан.

Сўровимга эса Бобомурод бобонинг ўзи эмас, Эркин бобо жавоб беради.

— Ҳа-да! — дейди гуё ҳажга ўзи бориб келгандай

гурурланиб. — Бобомурод бобонг мана шу йил ҳажни зиёрат қилиб қайти. Яна киройи эмас, “Ҳожи Акбар” бўлди!

— “Ҳожи Акбар” дегани нима? — ҳайрон бўлган мен.

Эркин бобо менга тушунтиришга уринади:

— Ҳожи Акбар — улуг ҳожи, дегани, улим. Бир неча марта ҳажга борганларга, ҳаж зиёрати қурбон ҳайити кунига тўғри келганларга қарата айтади...

Гап шу ерига келганда бирдан хаёл олиб қолади. Анча вақтдан бери, аниқроғи бир китобда ҳаж зиёратига борганлар машаққат тортиб, ҳажга пиёда борса зиёрати қабул бўлиши ҳақида ўқиб қолганимдан бери ҳозирги кунда давлатимизнинг ҳожиларга яратаётган энгилликлари зиёратчиларнинг савобга дахлдорлигини қамайтириб қўямасмикан, деб ўйлаб қолганим ёдимга тушади. Бу саволга жавоб топишнинг айна фурсати келгандай тўлқинланиб кетаман.

— Бобожонлар, — дейман беихтиёр. — Эски бир китобда ҳажга пиёда бориш кераклиги ҳақида ўқиган эдим, шунга нима дейсизлар-а? Пиёда борилмаса ҳаж мақбул эмас, дейилганди ўша китобда...

Боболар қулишади-ю, мени хижолатга туширишади.

— Аввало ҳозир ҳажга пиёда боришнинг асли имкони йўқ, — биринчи бўлиб Бобомурод бобо жавоб қайтарди юзидан табассум ёғилиб. — Қолаверса, ҳажга борган одам машаққат тортиши кераклигига ишора қилаётган бўлсанг, йўл азоби — гўр азоби дейди эскилар, олис манзилга йўл торган одам ҳоҳ самолётда бўлсин, ҳоҳ эшакда бўлсин, чамамда барибир қийинчиликка учрайди. Бу масаланинг биринчи томони.

Ундан кейин ҳукуратимиз зиёратни тинч ва қийналмасдан ўтаб келишимиз учун шунча яхши қулайликлар яратишга уринаётган бир пайтда, мен сурувдан адашган серкадай ҳажга пиёда йўл солсам, улим, бу савобталаблик эмас, фирт ношукрлик бўлиб қолмайдами?

Бобомурод бобонинг содда ва жайдари қилиб берган ҳаққоний жавобидан энди ўзим ҳам яйраб қуламан.

— Дўхтир бобо, нега сиз

ҳажга боришни кечиктириб келяпсиз, ахир бунга имкониятингиз тўлиқ етади-ку? — сўрайман Давлат бободан.

— Ўзинга маълумки, шу икки-уч йил ичида Қизилтепа қишлоғининг йўлини таъмирлатдим, қишлоғимизнинг қабристонини, бозорчасини ёнимдан пул сарфлаб обод қилдим. Шу ишларни ниҳоясига етказай, мен ҳам ҳажга бораман, албатта, — айтади Давлат бобо.

Ҳа, уйига кўп келиб турганим боис чиндан ҳам Давлат бобонинг бу хайрли ишларидан шахсан ўзим хабардорман. Айниқса, у киши йўлни таъмирламоқчи бўлганларидаги бир воқеа эсимдан чиқмайди...

Ўшанда Давлат бобом йўлга тўктириш учун Ғуздордан қатновчи катта юк машинасида шағал олиб келтирирган, юк машинасини йўлга чиқиб Давлат бобонинг ўғли Умрзоқ ака билан иккимиз кутиб олган эдик. Лекин, афсуски, шу шағални қишлоқ кўчасига тўкишга ёрдамлашишга келганда одам топилиши қийин бўлиб қолди. Ёрдамга чиқишларини қишлоқ аҳлига илтмос қилиб борсак, айрим қишлоқликлар вақти йўқлигини айтди, айримлари кейинроқ бораман деб, чиқишмади... Ниҳоят эса Умрзоқ ака яна ёнимдан пул тўлаб, ёрдамчи ёллашга мажбур бўлдилар. Бироқ беш қўл баробар эмас деганларидек, орадан кўп ўтмай йўлдан ўтаётган улов соҳиблари тўхтаб, ёрдамга кела бошлади ва бу иш бир зумда ўз-ўзидан катта жамоавий ҳашарга айланиб кетди!..

— Айтмоқчи, ўзи кўп савол бериб қолдинг, нима биз ҳақимизда мақола ёзмақчимизан? — тагин лўқма ташлайди Давлат бобо.

— Агар мабодо мақола ёзиб қолсам номини нима деб қўяй, — дея сўрайман жилмайиб.

— Шу кунларга шукрона, деб қўй, — айтади Эркин бобо.

— Сен билан менинг шукрлигимизни шундоғам ҳамма билади, — Давлат бобо дўстини койиб бераркан, менга қараб амри овозда айтади. — Улим, яхшиси мақолангнинг номини “Уч оғайни боболарим” деб қўй! Чунки ҳозир нима кўп шукр қилувчи кўп: ҳаммамнинг оғзида шу кунларга етказгани учун шукрона! Лекин, билсанг, бизга ўхшаб бир-бирининг ҳазил-хузул гапини кўтара оладиган оқибатли дўстлар айниқса, сенингдек ёшларнинг орасида кам...

...Боболар билан хайрлашиб уйимга қайтар эканман, уларни нима бунчалик яқин дўстларга, дилдош-маслақдошга айлантира олганини ҳақидаги ўз-ўзимга берган саволимга жавоб топгандай эдим. Аммо бу жавоб — бу хулоса меники, танҳо ўзим учун. Келинг, боболар билан қилган гурунгимизни ўқинг-да, сиз ҳам бу саволга ўзингизча жавоблар ахтаринг.

Б. ҚўЛДОШЕВ.

КОТИБАНИНГ КО‘РИНИШИ МУНИММИ, МА‘НАВИЯТИ?

Qishloqlik O‘qituvchi: “Секретар”...

Менимча бу сўз аслида “секрет айтар” (сир айтувчи) бўлса керак. Бизнинг “секретар” ишхонадаги ҳамма сирларни билади-я.

• **Sadoqat Karimova:** Бизнинг “секретар”имиз қудуқ. Ичидан қамиш ўсиб чиқмаса бўлди.

Erkinjon Umarov: Балки “секинлатар”дир? Ишдан уйга кетишни секинлатади, йиғилиш бор деб!!!

“Facebook” Ижтимоий тармоғидан олинган бу мулоҳазалар котиба яъни халқ тилида “секретар” деб юритилувчи ходимларга нисбатан ишлатилган. Айримлар корхона ёки ташкилотда ишловчи котибаларни кўриниши муҳим деса, баъзилар муомаласи ҳамда маънавияти дейишади. Хўш, аслида котибанинг кўриниши муҳимми ёки маънавияти? Ушбу саволлар доирасида ҳамюртларимиз ҳамда котибаларнинг фикрларини ўргандик.

БИЛИМ, МАҲОРАТ, ХУШЁРЛИК ЗАРУР

– Ўн йилдан буён котиба бўлиб ишлайман, – дейди Сергели тумани мактабгача таълим бўлими котибаси Саида Ғаниева. – Касбим ўзимга ёқади. Ким нима деса десину, аммо котибалик ўта масъулиятли касб. Ўзига яраша машаққатлари бор. Чунки баъзида раҳбар томонидан бирорта ходимга ноҳақлик қилинса, баъзан ходимлар томонидан ишга лоқайдлик, масъулиятсизлик ҳолатлари содир этилади. Шундай пайтларда тарозининг иккала палласини ҳам бирдек ушлашга котибанинг маҳорати, билим, хушёрлиги асқотади. Бошлиқнинг зиммасида мингта ташвиш юради. Айрим ҳолатларда жажга берилиб кимгадир бақриб юборса бу ҳолатнинг ҳам олдини олиш, босди-босди қилиш котибанинг зиммасида. Баъзи раҳбарлар бундай ҳолатларда котибанинг қадрига етса, баъзилар эса...

“ЛАҚАБЧИ БОШЛИҚ!”

Шу ўринда Ўзбекистон халқ артисти, марҳум санъаткор Эргаш Каримов ҳамда Роза Каримова иштирокида ижро этилган “лампа шиша” номи билан ёдимизда қолган миниатюрани эслаб ўтишни жоиз топдик. Унда раҳбарнинг бачкана қилиқлари аччиқ кулгу остига олинади. Қўл остидаги ходимларга лақаб билан мурожаат қилувчи, уларнинг устидан кулувчи раҳбар образи шакллантирилган. Котибасига нисбатан “лампа шиша”, “тасқара” сўзларини ишлатиб, унинг шаънига тегади. Дўппини бошдан олиб, мулоҳаза қилсак, котибанинг қандай мақомга йўрғалишида бошлиқнинг ҳам ўрни бор экан. Орамизда ходимларни бир-бирига ёмонлаб, улар ўртасига келишмовчилик уруғини сочувчи раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Масалан, – Мен ишлайдиган ташкилотда бошлиқ кўпинча ҳамкасбларимга нисбатан калласи йўқ хотин, мияси айниган чол жумлаларини ишлатади, – дейди

ташкilot номини сир туттишимизни илтимос қилган Муқаддас Солиева исмли котиба. – “Мияси айниган чолни чақиринг”, деса янги ишга келган пайтларим ҳайрон бўлиб, кимни чақириб келишимни билмай қолардим. Чунки ташкilotимизда кексалар жуда кўп. Кейин билсам, менга ҳам “довдир” деб лақаб қўйиб олибди. Шартта бўшашга аризамни ёзиб, стол устига қўйдим. Аризага эса унинг “лақаббардор” эканини тиркаб ўтдим. Хатосини тушуниб, бошлиқ уэр сўради. Ҳозир ҳаммани ўзи исми-шарифи билан чақиради.

РАҲБАРНИНГ “ЎНГ ҚЎЛИ”

Хўш, котиба касбини суиистъеомол қилиб, раҳбарга ва ходимларга нисбатан ноҳақлик

маданияти, маънавияти, муомаласи билан ҳаммага ўрнак бўлиши зарур. Баъзида ходимлар котибаларга “чақимчи” деган ноўрин айбловлар қўйишади. Маънавияти котиба бундай қарашларга эътибор бермайди. Чунки бошлиққа ўша муҳит ёки воқеа ҳақида ўз вақтида хабар етказмаса, муаммо бартараф этилмаса, эртага бундан бутун жамоа зарар кўриши, натижада ўзи ишдан бўшашга мажбур бўлиб қолиши мумкин.

“МЕНИ, ЙЎҚ ДЕБ ЮБОРИНГ!”

Мулоҳазалардан яна бир нарсани сездимки, корхонадаги муҳит ва ютуқлар кўп жиҳатдан котиба-

нинг маънавиятига боғлиқ экан. Мисол учун фуқаро бирор муаммо ёки шикоят билан бошлиқ олдига келганида раҳбар котибага “мени йўқ деб юборинг”, деб буйруқ берса, буни қандай удалаш керак? Ахир ҳозир шу фуқарони қабул қилсам, муаммосини айтса ҳал қилолмай қолсам уялиб қоламан деб фуқародан қочадиган масъулиятсиз бошлиқлар ҳам йўқ эмас.

– Баъзида бошлиқ бирор йиғилиш ёки тадбирга кетганида фуқаролар келиб қабулга киришга руҳсат сўрашади, – дейди Юнусобод туманидаги марказий кўп тармоқли поликлиника котибаси Марҳамат Султонхўжаева. – Шундай пайтларда “вақтингиз бўлса бироз кутиб туринг, ҳозир келиб қолади” дейман. Агар бошлиқнинг келиш вақти чўзилса ўша одамни ўринбосар ёнига олиб кираман. Энг аввало, хонамга фуқаро кириши билан норози ҳолда келган бўлса ҳам, ширинсуханлик билан уларни қарши олиб, кайфиятларини кўтараман.

Айрим корхоналардан котибадан чиройли кийиниш ва кўриниш талаб этилса, биздан кўпроқ чиройли муомала талаб этилади. Бу ерга кўпроқ кексалар келади. Уларнинг

кўпларини қулоқлари яхши эшитмайди. Кўзлари ҳам яхши кўрмайди. Уларнинг жони оғриб тургани учун бир оғиз ширин сўзга маҳтал. Бошқа ҳамкасбларимга қараганда тиббиёт соҳасида ишлайдиган котибаларга енгилроқ, Сабаби, биз ўзимизга ортиқча зеб бермаймиз. Ҳар доим тоза ва оппоқ халатда юрсак, кифоя.

Бизда эса хулоса шундай. Котибанинг зиммасига шунча талаб қўйилар экан, демек улар ўзларига юклатилган вазифага сидқидилдан ёндашувлари жуда муҳимдир. Ахир “Халқ қабулхоналари” га таширф буюраётган минг-минглаб мурожаатчиларнинг муаммоси эгасига етиб бориши ва ҳал этилишида айнан уларнинг виждони ва билимига эҳтиёж юқори.

Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.



“Мияси айниган

чолни чақиринг”, деса янги ишга келган пайтларим ҳайрон бўлиб, кимни чақириб келишимни билмай қолардим. Чунки ташкilotимизда кексалар жуда кўп. Кейин билсам, менга ҳам “довдир” деб лақаб қўйиб олибди. Шартта бўшашга аризамни ёзиб, стол устига қўйдим. Аризага эса унинг “лақаббардор” эканини тиркаб ўтдим.

қилса-чи, унинг хатти-ҳаракати қандай тартибга солинади?

– Уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳар битта корхонанинг ҳолатидан келиб чиқиб, буйруқ асосида тартибга солинади, – дейди Чилонзор тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиқ ўринбосари Умаржон Қаландаров. – Котиба корхона ҳамда ташкilotдаги раҳбарнинг “ўнг қўли” ҳисобланади. Унинг энг асосий вазифаси ташкilotга келган ариза ва шикоятлар, хатларнинг ижросини таъминлашдан иборат. Бунинг учун котиба ўқимишли, фахрфаросатли бўлиши керак. Раҳбарга ҳам қачон, қаерга боришини эслаб турадиган масъул шахс. У кийиниши,

GINNES REKORDINI YANGILAGAN QIZ

Юртимизда ноёб қобилият эгалари жуда ҳам кўп. Лекин гимнастиканинг мураккаб машқларини бажарадиган иқтидор соҳиблари санокли. "Zo'r TV" телеканалининг "Central Asia's Got Talent", "Индиго" лойиҳаси, "Спорт" телеканалининг "Record.uz", Қорақалпоғистон телеканалининг "Айқулақ" ("Камалак") кўрсатувлари орқали кўпчиликка яхши танилган, ноёб қобилият эгаси, Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир туманида туғилган Жансулув Татлимуратова ана шундай иқтидор соҳибаси. Унинг доврўғи бутун дунёга тарқалмоқда. Бу қизнинг ўзига хошлиги нимада? "Энг эгилувчан пластик қиз", дея эътироф этилаётган бу қизалоқнинг қандай орзулари бо? Унинг оиласи ва устозлари билан яқиндан танишишни мақсад қилдик.

Гулмира Тажимуратова не-не орзу-умидлар билан Алибек Татлимурода 2007 йилда турмушга чиққан. Тез орада улар оиласига янги меҳмон келиши кутилаётганди. Алибек тинмай "ўғил туғиб берасан, бўлмаса туғруқхонадан тўри уйинга кетавер" деб шарт қўйди. Кутулган онлар келди. Ниҳоят Гулмира фарзандли бўлди. Чақалоқ қизалоқ эди. Шунда Гулмира бир нафас оғир тин олди-да, жажжи гўдакни бағрига олиб, хўрсинибгина уни хидлади. Эрининг келишидан умид қилиб, туғруқхона деразасидан интиқ термуларди. Бироқ Алибек турмуш ўртоғи қиз туққанлиги учун уни ростдан ҳам ташлаб кетган эди. Чақалоқ билан ота уйига қайтган аёлни олдинда янада мушкул аҳвол кутиб турарди. Жансулув жуда нимжон, тез-тез касал бўлганидан кунлари кўпроқ шифохоналарда ўтарди. Отаси эса нимжонгина қизини бир бора ҳам йўқлаб келмади. Қизалоқ бир ёшга етганда жуда оғир касал бўлиб, бир ой жонлантириш бўлимида ётди. Шифокорлар "Энди фойдаси йўқ..." деб уйга қайтаришди. Умидини узмаган она қизини бағрига олиб, бир табибга борди. Табиб уни обдон текшириб, "агар қизингиз ўзида ирода, куч топса, албатта яшайди. Яшаб кетса, элга машўр қиз бўлади", дейди. Табиб уч кун даволаб, уларни уйига жўнатади. Худонинг хоҳиши ва табибнинг ёрдами билан қизалоқ тузала бошлади. Лекин барибир салга шамоллаб қолаверарди. Шифокорлар қизингиз нимжон, уни энди спортга беринг, куч олади деб маслаҳат берди. Гулмира 2,5 ёшли жажжи Жансулувни етаклаб Тахтакўпир туманидаги болалар спорт мактабига борарди.

Уларни гимнастика устози Гулсара Ондасинова илиқ кутиб олди ва Жансулувни гимнастика сир-асрорлари билан таништирди.


— Жансулув мажмуамизга келганида гуруҳнинг энг жажжи аъзоси эди, — дейди устози Гулсара Ондасинова. — Лекин шунга қарамай, унинг интилишлари, машқларни тўғри ба-

жариши, сергайратлиги бошқаларга ўхшамасди, ҳаракатлари жуда нозик, танаси эгилувчан эди. Ҳар доим хотиржамлик ва босиқлик билан ҳаракат қилади. Унинг ўзига бўлган ишончи ғалабаларининг асосий омилдир.

Чиндан ҳам серкирра истеъдод эгаси Жансулув жажжигина қизалоқлигиданоқ тиришқоқлиги, изланувчанлиги билан кўпчиликини ҳайратга солиб келган. Аввалига энгил туюлган машқлар босқичма-босқич мураккаблашиб, кейинчалик машғулотлар масъулиятли мусобақаларга улашиб кетди. Бу нозик спорт тури сир-асрорларини яхши ўзлаштирган ҳолда танловларда юқори ўринларни қўлга киритиб, олтин медаллар сонини орттириб борарди. Шу билан бирга иродаси тобланиб, кунт билан машқ қилишга одатланди, мусобақаларда қатнашиш орқали қатъиятлик, мақсад сари дадил интилиш каби хусусиятлари шаклланди.

— Тўғараққа қатнай бошлаганидан кейин қизимнинг саломатлиги сезиларли даражада яхшиланди, — дейди Жансулувнинг онаси Гулмира Тажимуратова. — Бадиий гимнастика билан тинимсиз шугулланиш баробарида барча фанларни ҳам "аъло" баҳоларда удалайди. Бунинг устига рақс тушишга ҳам вақт ажрата олади, инглиз тилини ўрганишга ҳам кунт билан ёндашади. Қизимнинг ғайратидан хурсанд бўлсам, баъзида унга "кўз тегиб" қолишдан чўчийман. Чунки у бажарадиган машқлар жуда хавфли. Шу сабабли доим кўнглимда хавотир бўлади.

2015 йил Спорт телеканалда "Record.uz" кўрсатувини онаси билан мунтазам томоша қилиб бораётган Жансулув бир куни: "Ая, мени ҳам шу кўрсатувга олиб бориңг, қатнашиб кўрай", деб қатъий туриб олади. Ноилож Гулмира қизини етаклаб, йўлга чиқади. Мусобақада қатнашиб, ҳамманинг олқишига сазовор бўлган қиз финал босқичига йўлланма олди. Финал-



га алоҳида тайёргарлик кўрган Жансулув ҳаммани ҳайратда қолдириб, саҳнада сандиқ ичидан чиқиб келади ва машқларни бажариб, "Энг эгилувчан пластик қиз" номинацияси бўйича голиб бўлди.

Шундан кейин "Zo'r TV" томонидан қобилиятли болалар учун ташкиллаштирилган "Индиго" спорт мусобақасига ҳам қатнашиб, истеъдоди билан кўпчиликини лол қолдирди. Ярим финал босқичида ҳаво гимнастикаси машқларини бажарган Жансулув финалда ҳам ҳаммани ҳайратда қолдиришни мақсад қилди. Темирни тишлаб туриб танасини кўтарди ва оёғида камон отиб кўрсатди. Суперфиналда эса темирни оғзида тишлаб, бутун танасини 5 дақиқа ушлаб туриб, жаҳон рекордини янгилади. Уша пайтларда жаҳон рекордини охири марта янгилаган спортчи тўрт ярим дақиқа кўрсаткичини қайд этган.

— Гиннеснинг рекордлар китобига хат йўлладик. Қизимнинг қобилиятини бутун дунёга намойиш этиб, унинг номи шу китобга киритилса, ватанимиз олдидаги бурчимни бажарган бўлар эдим, — дейди қаҳрамонимизнинг онаси Гулмира. — Жансулув айна пайтда Марказий Осиё бўйича ўтказилаётган "Central

Asia's Got Talent" танловининг финал босқичига тайёргарлик кўрмоқда. "Марказий Осиё истеъдодларни излайди" шousи "Британиянинг машҳур Got Talent телетанлови форматда тайёрланган. У ҳозир чалқанча турган ҳолатда қўл ва оёқда стадионни айланиб юришни машқ қилапти. Бундан ташқари, уйда тайёргарлик жараёнида темирни тишлаб, 10 дақиқача туришни

уддалади. Жансулув Тахтакўпир туманидаги 3-сонли умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси. У ўқиш билан бирга 17-сонли болалар мусиқа ва саънат мактабида устози Гўзал Шахиевадан турли халқларнинг рақсларини ҳам ўрганмоқда.

12 ёшар Жансулув ҳозир шогирд ҳам тайёрлай бошлади. У тумандаги



10-сон мактабгача таълим муассасасида қизалоқларга гимнастика сирларини ўргатмоқда. Бугунги кунда шогирди Ай-дана Пирниязова ҳам яхши натижалар кўрсатяпти.

Спортчи қизинг репертуаридан кичик сандиқдан тасодифан чиқиб, нозик ва сулув ҳаракатларни кўрсатиш, ҳаво гимнастикаси, мусиқа садолари остида ҳаракатланиб камондан нишонга ўқ отиш, темирни тишлаб, танасини кўтариб туриш каби композициялар ўрин олган.

Гулмира қизининг мусобақаларда қатнашиб, истеъдодини кўрсатишида яхши инсонларнинг кўмаги катта эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Чунончи, ўзи ишлаётган тумандаги 10 –МТМ мудираси Зокира Кайпанова, Жансулув ўқийдиган 3-сонли мактаб директори Гўлчеҳра Сейтназарова, ўқитувчилари, Бахтигул Эшжоновна, Тозагул Бекназароваларнинг қўллаб-қувватлаб турганидан миннатдор. Қолаверса, туман мутасаддилари, хусусан, сенатор, Тахтакўпир туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Айсанем Аллиярова уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туради. Яқинда хотин-қизлар қўмитаси саъй-ҳаракати билан Жансулувнинг оилавий шароитидан келиб чиқиб, туман марказидан бепул имтиёзли уй-жой ажратилди.

— Юртимизда яхши инсонлар жуда кўп экан, ҳуқуқатимиздан ҳам чексиз миннатдорман, — дейди Гулмира. — Мана, уларнинг кўмағида бугун бизнинг ҳам ўз уйимиз бор. "Индиго" кўрсатувиغا борганимизда қизим тошкентлик Гулнора Илҳомбоева исмли қизча билан дўстлашиб қолди. Қизим ҳам унинг ота-онасига ёқиб қолди. Кейин бизни уйига таклиф этди. Биласизми, кўрсатув сабаб, ҳафта ўн кун уларнинг уйида яшаб қолдик. Ушанда халқимизнинг чиндан ҳам меҳмондўст, бағрикенг эканлиғига амин бўлдим. Ҳақиқатча улар билан дўстона алоқадамиз. Фурсатдан фойдаланиб уларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Спортга меҳр қўйган Жансулув соғлом, руҳан тетик, иродаси мустаҳкам, келажақда ҳаётнинг турли синовларини энгил ўтишга қодир бўлиб вояга етмоқда. Унинг мақсадлари улкан. Бу йўлда унга омадлар тилаб қоламиз.

Чапос ДЎСТАТОВА



Ишдан шошилиб қайтаётган эдим. Кўшним Салимахонни кўриб қадамимни секинлатдим. Уй-рўзгори, ишлари ва саломатлиги тўғрисида сўрашиб бўлганимиздан сўнг унинг кўзларига қалқан ёшни кўриб, мен билан суҳбатлашиш, дардини бўлиши истаги борлигини сездим. Салимахон яқин ягона ўғли қийналиб бўлса-да, яратиб бераётган шароитларига қарамасдан яхши ўқимай қўйганлиги, тинимсиз дарслардан қочаётганлиги, ўртоқлари билан кўп уришаётганлиги ҳақида тўлиқиб гапирди. “Балки отаси бўлганида бошқача тарбия олган бўлармиди”, – деди ўксиниб... Мен эса ўсмир ёшдаги ўғил болаларнинг барчасида ўзгаришлар содир бўлиши, бундай пайтда ота-оналар ҳушёр бўлишлари зарурлиги ҳақида гапирдим. Келинг, азиз газетхон, саҳифамиз орқали айна мавзудаги мулоҳазаларга кенгроқ ёндашайлик...



ШҲХЛИКМИ ЁКИ ШУМЛИК?

Дилдора Сулаймонова, ўқитувчи:

– Менинг синфимда ўғил болалар қизларга нисбатан икки баравар кўп. Ўсмир ёшдаги болалар билан кўп бора ишлаганман. Бироқ ҳар сафар бирон бола билан муаммо пайдо бўлса, ўзимни эндигина ишга келган ўқитувчидай ожиз ҳис қиламан. Ҳа, ҳар бир бола ўзига хос дунё. Бирига қўллаган тарбия усулининг бошқасига тўғри келмаслиги мумкин. Бугун мактаб партасида ўтирган болаларимиз эртанги куннинг суянган тоғлари, юртимиз посбонлари, ҳар бир оиланинг ишонган сарлоқчилари бўлиши керак. Бугунги кун эркаклари аёлларга қараганда оилага масъулиятсизроқ бўлиб бораётгани ҳақида кўп гапир-

ТО‘ПОЛОНЧИ БОЛАДАН НАММА БЕЗОР...МИ?

ЭНДИ КАП-КАТТА ЙИГИТМАН!

Шоира Исоқова, психолог:

– Агар сизнинг ўғил фарзандингиз мактабда тўполон қилаётган, тенгдошлари ўртасида ўз ўрнини топишга қийналаётган бўлса, албатта, бу масалада жиддий ёндашган ҳолда бош қотириш керак. Чунки ҳар бир ўсмир бу ёшда ўз ўрнига ва авторитетига қайси йўл билан бўлмасин эришишга ҳаракат қилади. Энг аввало, бунинг сабабларини излаш керак бўлади, мактабдаги дарсларнинг мураккаблиги, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро тил топиша олмаётганлиги, синфдошларнинг дунёқараши ва фикрлашларидаги кескинлик ҳар бир ўсмир учун ўзига хос муаммо ҳисобланади.

Аслида ҳар бир тўполончи болада ўзига хос лидерлик сифатлари бўлади. Уларда ўзлигини намоён қилиш, тенгдошларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш, устозларнинг баъзи бир танқидларига кескин муносабат билдириш орқали ўзларининг шахсий қарашларини, фикрларини намоён этишни исташади. Аммо доим бу ҳаракат катталар томонидан танқидий баҳоланган, болаларнинг эркин фикрлашига, ўзлигини кўрсатиш каби хоҳишларга тўсқинлик қилинган, шунинг натижасида турли қўринишдаги низолар пайдо бўлаверади.

Аслида ўша галга кирмас, салбий характерга эга, ўзини бошқа болалардан устун қилиб кўрсатишга уринаётган ўсмир билан бир дилдан суҳбатлашиб кўринг-чи, уни қийнаётган қайси ташвиш ва дардлар борлигини билиб оласиз.

Биринчи навбатда, бу хатти-ҳаракатларининг сабаблари, яъни илдизларини топиш керак. Бу балки оилада боланинг ўрни йўқлигидан, ёки қаттиқ назорат остида бўлаётган тарбия, ота-оналарнинг ўзаро келишмовчиликлари туфайли содир бўлаётгандир... Балки яқин қариндошлардан бири унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгандир... Азиз ота-оналар, шунинг нутуманги, тарбиянинг мумкин бўлмаган усуллари қўллаш, фарзандларни камситиш, уларнинг ўз шахсий “мен”и бор эканлигини унуттиш сизнинг энг катта хатоингиздир. Ахир, болангиз кап-катта йигит бўлиб қолганлигини кўрмаяпсизми?..

**ТОРТИНЧОҚ БОЛАНИ УЯЛТИРМАНГ, АКСИНЧА...
Маърифат Қўлдошева, 6-синф**



– Агар сизнинг ўғил фарзандингиз мактабда тўполон қилаётган, тенгдошлари ўртасида ўз ўрнини топишга қийналаётган бўлса, албатта, бу масалада жиддий ёндашган ҳолда бош қотириш керак. Чунки ҳар бир ўсмир бу ёшда ўз ўрнига ва авторитетига қайси йўл билан бўлмасин эришишга ҳаракат қилади.

Ўқувчиси Сухроб Қўлдошевнинг онаси:

– Менинг ўғлим ниҳоятда тортинчоқ ва камгал бола. Уйда ҳам укалари билан бирга ўйнаб, суҳбатлашмайди. Нега ўртоқларингга ўхшаб кўчаларга чиқиб ўйнамайсан ёки уйда укаларинг билан келиша олмайсан, деб танбех бераман, дадасининг жаҳли чиқади. Болани ҳамманинг ёнида уришиб, уялтираверма, деб танбех беради. Мактабга бориб ўқитувчиси билан ҳам суҳбатлашдим. Одамови ва камҳаракат эканлигидан нолиб гапирди. Маслаҳат беринг, нима қилай?

Шоира Исоқова, психолог:
– Тортинчоқлик ўша ўсмирнинг табиати, дунёқараши, психофизиоло-

гик жиҳатлари билан боғлиқ. Бундай пайтда устоз ёки ота –она қандай йўл тутуши керак? Албатта, тортинчоқ бола билан нарсасини айтиб бера олмайди. Уялади ёки айтишни лозим кўрмайди.

Иккинчидан, ўзига нисбатан ишончи ва баҳоси паст, учинчидан, ички қўрқув унга доим тўсқинлик қилиб келган. Айнан шу ҳолатларни билган ҳолда ота-оналар бу фарзандини “одамови, овсар, писмиқ, индамас,” каби номлар билан аташади. Унга нисбатан ишонч ва мотивация жудаям кам. Бундай ҳолатларда ўсмирларда инқироз ва тушқунлик ошади. Албатта, ҳушёр ота-она ўз фарзандининг индивидуал психологик хусусиятларини яхши билиши, бундай болалар билан доимий мулоқот қилиб туришлари, қилган ишларини оз бўлса-да, рағбатлантириб туришлари тавсия этилади.

миз. Бироқ оталар ёнгинасида турган ўғлининг ёнида турмуш ўртоғига нисбатан ҳурматсизларча муомала қилади, турмуш ташвишлари олдида иродасиз эканлигини намоён қилиб қўяди. Мен одобнома дарсларида ана шу мавзуда, яъни йигитларимизнинг орномуси, гурури ҳақида қўпроқ мулоҳаза юритишга, болаларни ҳам бу борада фикрлашга ундаймман.

Шоира Исоқова, психолог:

– Ўсмир ёшидаги ўғил болаларнинг тарбияси қандай бўлиши керак? Аввало, болаларга кичик ёшдан бошлаб дўстона ва юмшоқ назоратли тарбия тавсия этилади. Ҳар бир ўсмир ўз шахсий фикрига эга бўлишга ҳақли эканлигини унутмаган ҳолда унинг бола оламига ҳам қўлоқ солиб, нима тўғри ва нима нотўғри эканлигини боладан сўраш (ўзингиздан бездирмаган ҳолда), муомала қилиш тавсия этилади.

Ўғил болаларнинг онига болаликдан ўғил болага, яъни эркакка хос бўлган сифатлар, хусусиятларни сингдириб бориш тавсия этилади. Ҳар бир ўғил бола келажакда ота бўлиши кераклигини унутмаслик керак. Шу билан бирга, масъулиятлилик, қатъиятлилик, сўзининг устидан чиқиш, ваъдасини бажариш, меҳнатсеварлик, ҳаракатчанлик, интилувчанлик борасида ривоятлар ва бадий асарлар ўқиб беришдан сира чарчаманг.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, агар ўғил болада ичиш, чекиш ва сўқиниш каби иллатлар пайдо бўлса, албатта, бу ҳолатларда жиддий гаплашиб олиш тавсия этилади. Бунинг ёқимсиз ва хунук иллат эканлигини англатиш керак бўлади. Бу шўхлик эмас, акс ҳолда шумлиқдир. Агар бундай ҳолатларга шўхлик деб энгил қарайдиган бўлсангиз, ўзингиз келажакда панд ейсиз.

БОРМИ, ЭР ЙИГИТЛАР?!..

Ҳа, қайси бир элда гулгунча қизлар ҳимоя қилиниб, муҳтарамана оналар эъзоз қилинмаса, билинги, ўша юртининг эр йигитлари гафлатда экан... Аслида эр йигит деб қандай инсонга айтилади? Оиласи, маҳалласи, она юрти шаъни учун жонини ҳам тикишга шай турган ўғлонларга эр йигитлар дея таъриф берилади. Демак, айна дамларда мактаб партасида ўтирган мана шу қоракўз болаларимиз эртага бутун бир халқнинг, миллатнинг муносиб давомчилари бўлиши лозим. Шундай экан, уларнинг ҳар бир қадамига ҳушёр назар ташлаш билан бирга бўлгувси ҳимоячиларимиз тарбиясига меҳр-муҳаббат ва жуда катта ҳурмат билан ёндаша билмоғимиз зарур!..

Зухра МЕЛИБОЕВА
oilavajamiyat@mail.ru

ENG TO‘G‘RI QAROR

**Аёллар йиғилган дав-
рада, кўп ҳолатларда
гап хиёнатга бориб
тақалади. Қайсидир аёл
эрининг жазманини бо-
глаб адабини берганини,
қайсиси эса қўлидан ҳеч
нарсга келмаётганини
айтишади. Қизиғи, улар-
га маслаҳат берадиган
билагонлар ҳам топила-
ди. Хўш, аслида хиёнатга
учраган аёл қандай йўл
тутгани маъқул. Бугун,
“мактублардан сатрлар”
саҳифамизда ана шундай
мураккаб вазиятларнинг
ечимлари ҳақида сўз
юритамиз.**

Хўжайинининг МАШИНАСИ БОШҚА БУЗИЛМАЙДИГАН БЎЛДИ

Маҳаллада ва ишхонамда ҳам, ҳар доим умр йўлдошимни мақтаганим мақтаган. Ҳамма менга ҳавас билан қарашар эди. Хайдар акам бирор марта дилимни оғритмаган, кўнгиллари очик, хушқаҳчақ йигит эди.

Йиллар ўтди. Мен касалхонада ҳамшира бўлиб ишлар эдим. Бир куни навбатчилик пайтларим барча вазибаларимни бажариб бўлгач, ҳамкасабаларим билан чой ичишга ўтирдик. Ҳаётимдан мамнунлигимни айтиб, турмуш ўртоғимни мақташга тушдим. Шунда ҳамкасабам Ҳамида опа: “Интизорхон, сиз адашяпсиз. Турмуш ўртоғингиз сизга хиёнат қилляпти. У киши бошқа аёлни уйига бориб юради. Айтмоқчи эмасдим, лекин сиз буни олдини олинг, оилангиз бузилиб кетиши мумкин”, – деди.

Шу тобда гўё бир челақ муздек сув устимдан қуйилгандек бўлиб, қотиб қолдим... Суриштирсам, ўша аёл юқумли касалликлар шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайдиган Ира исмли аёл экан.

Ўзимни босишга ҳаракат қилдим, чунки сабр билан, уйлаб иш қилишим керак эди. Хайдар акам охириги пайтларда кечаси уйга келмайдиган одат чиқарган. Сўрасам: “Машинам бузилиб қолди”, дер эди. Мен эса бу гапларга ишонардим.

Менда орқага йўл йўқ, ота-онамининг юзларини ерга қаратиб, ажралиб кетолмайман. Фарзандларимни отасиз қилишга ҳаққим йўқ! Қизларимиз катта

бўлиб қолишяпти. Ҳадемай узатиш керак. Қандай йўл тутсам, тўғри бўлади? Балки тухматдир?!...

Юқумли касалликлар шифохонасига бориб, Ира опанинг манзилини олдим. Бир куни хўжайиним тунда уйга келмади. Эрталаб соат 5-6 ларда иккала қизимни олиб, манзил бўйича Ира опанинг хонадонини топиб бордик. У кўп қаватли уйда яшаркан. Не кўз билан кўрайки, машинамиз Ира опа яшайдиган уйнинг йўлагига турарди. Демак, дадаси ўша аёл билан бирга!

Лекин ичкарига кирмадим. Йиғлаб-йиғлаб уйга қайтдим.

Қизларимга: “Ҳеч кимга айтмангла. Даданг ҳам билмасин бу ерга келганимизни. Дўст-душманнинг олдида кулгу-

га қоламиз”, дея тайинладим.

Ҳар қандай шароитда ҳам оилани сақлаб қолиш, Хайдар акамни бу йўлдан қайтариш керак!

Кўп уйладим, охири Ира опа билан кўришишга қарор қилдим. Балки ҳақиқатан ҳам мендан ҳар томонлама яхшироқдир, чиройли ва ақлқидир. Уни кўришим керак!!!

Юқумли касалликлар шифохонасига бориб, бош шифокор қабулига кирдим. Ҳаммасини гапирдим ва Ира опани кўришим кераклигини айтдим. Бош шифокор аҳволимни тушунди ва унга кўнгирак қилиб, тезда етиб келишини тайинлади. Хонада ўтирибмиз, бир пайт озгин, қорачадан келган, қовоқлари осилган, оёқлари ингичка аёл кириб

янги дазмолланган эди. Сўрасам, ўртоғимнинг синглиси ювиб, дазмоллаб берди, деди...

Кечкурун овқатланишга ўтирдик, негадир хўжайиним менга ёв қараш қилиб, унга яқин ўтирганимни ёқтирмаётганини сездириб қўйди. Тўйга бориб келганидан кейин телефонига Комил ака деган одамдан хабар кела бошлади. Ажабланарлиси, Комил ака телефон қилса ёки хабар ёзса, хўжайиним мендан узоклашишга ҳаракат қилар эди. Телевизор кўриб ўтирган вақтимиз телефонимга хўжайинимдан хабар келди. Унда: “Ўзингиз яхшимсиз, Комилахон, биз яхши етиб келдик”, деб ёзилган эди. Эр-хотин бир-биримизга қараб қолдик. Хўжайиним кулиб юборди. Хўжайиним



Юқумли

касалликлар шифохонасига бориб, Ира опани манзилини олдим. Бир куни хўжайиним тунда уйга келмади. Эрталаб соат 5-6 ларда иккала қизимни олиб, манзил бўйича Ира опанинг хонадонини топиб бордик. У кўп қаватли уйда яшаркан. Не кўз билан кўрайки, машинамиз Ира опа яшайдиган уйнинг йўлагига турарди. Демак, дадаси ўша аёл билан бирга!

келди. Мендан 15-20 ёш катта аёл экан. Бош шифокор уни ўтиришга таклиф қилиб, мени таништирди.

Мен эса ҳаммасини унинг ўз оғзидан эшитишни хоҳлар эдим. Ира опа тираб, лаблари учиб, “эрингизнинг ўзи келади. Ётиб қолманг уйингиздагилар хавотир олади, деб кўп бора айтганман”, деди ва ўрталарида бўлиб ўтган севги тарихини тан олди.

– Эркак кишида айб йўқ! Сен бу ноҳўя ишларни ихтиёр қилмаганингда, Хайдар акам бу йўлга қадам босмас эдилар. Агар шу ишларинг қайта такрорланса, сен билан бошқа гаплашаман, – дедим. Бош шифокор эса: сендек энгилтабиат аёлга ишхонада жой йўқ, ҳозирок бўшашга ариза ёзиб кир! – дедилар.

Уйга келиб, ҳеч нима билмагандай юравердим. Шу билан улар ораси бузилди. Болаларимнинг отаси уйга ўз вақтида келадиган бўлди. Ҳеч кимга билдирмадик. Бир-биримизга ҳам савол назари билан қарамадик.

Оила муқаддас! Уни авайлаб-асраш керак! Аёл киши ҳар қандай вазиятда ҳам оғир-босиқлик, фаросат билан иш тутиши керак. Тўғри йўл тутдим, деб уйлайман.

**Интизор Тоҳирова,
Тошкент шаҳри.**

КОМИЛ АКА КОМИЛАХОН БЎЛИБ ЧИҚДИ

Турмуш қурганимизга энди бир йил бўлган эди. Хўжайиним водийга, курдосишинг тўйига кетди. Икки кунда сал бошқачароқ бўлиб қайтди, кийиб кетган оқ кўйлагининг ёқаси топ-тоза,

ўша аёлга ёзган хабарни адашиб менга жўнатиб юборган эди. Шундан кейин водийга борганида Комила исмли аёл билан танишганини, қўйлақнинг дазмолланишида ўша аёлнинг қўли борлигини айтиб берди.

Жаҳлим чиқди, кўз ёши ҳам тўкиб олдим. Охири, хўжайинимдан ўша аёлнинг телефон рақамини олиб у билан гаплашдим. ...“Тунги клубда ишлайман, хўжайинингиз менга уйланмаганман, деди. Шунинг учун уни уйимга чақирганим”, деди.

Ўзимни хўрлангандай ҳис қилдим. Гарчи Комила хўжайинининг оилали эркак эканлигини билгач, у билан бошқа гаплашмасликка ваъда берган бўлса-да, кўнглим ғаш эди. Орадан бир ҳафтача вақт ўтиб яна Комилага кўнгирак қилдим. Телефон рақами мавжуд эмас, деган хабар келди.

Ҳозир иккита ўғлимиз бор, оиламиз тинч, бахтлимиз. Хўжайиним ўша пайтда ёшлик қилганини айтиб, кўп узр сўради. Жаҳл қилиб, ажрашиб кетмаганимга хурсанд бўламан. Одам кечиримли бўлгани яхши экан.

Нодира, Қашқадарё вилояти.

Хуллас, бизда хулоса шундай. Бу дунёда ҳар ким ҳам хато қилиши мумкин. Кўнгилдаги хою ҳавасларга қулоқ тутиб, оилани пароканда қилиш, болаларни тирик етими қилишдан осони йўқ. Аммо оилани асраб қолиш учун аёлдан ҳам, эркакдан ҳам жуда катта матонат, фидойилик, ҳушёрлик талаб қилинади. Юқоридаги мактуб эгалари тўғри йўл тутган, деб уйлаймиз.

Мадина тайёрлади.



Мардлик нима билан ўлчанади, дея бир до-нишмандга савол беришганида: “Жаҳлни енга олиш, ақлни ишлата олиш, кўрқоқ ва ёмонлар қўлида кўғирчоқ бўлмаслик билан”, – дея жавоб берган экан. Агар ана шу саволни, бугунги кун кишисига бериб кўрса, нима деб жавоб айтар экан? Қизиқ савол. Жавоби эса ундан ҳам қизиқ бўлиши мумкин. Кўпчилик билакдаги куч билан мардлик ўлчанади деса, яна кимлардир чўнтакдаги пул билан, дея жавоб беради. Асл моҳиятни англаганлар эса, мардлик қилинаётган яхши амаллар, савобли ишлар билан ўлчанади дея айтиши мумкин. Бу, албатта, яхши. Бироқ ана шу моҳиятни англай оладиганлар ораимизда кам эмасмикан?...

Болалигимда отамнинг пичоғи бўлар эди. Ҳамиша хонтахта ёнидаги кўрпачанинг тагида турадиган бу антика нарсани на мен, на акаларим олишга ботина олмасдик. Кўпича акаларим, сен кичкинасан, дадам кўп уришмайди деб, пичоқни олишга ва уларга беришга ундашар эди. Ўша дамларни эсласам, беихтиёр болалик дамларимга қайтгим келади. Отам пичоғини ҳеч кимга ишонмас эди. Ўзи билан олиб юрар, ҳар доим менга: “Бу ота мерос, болам”, дер эди. Гўёки, бу тигли асбоб отам учун ор билан баробар бўлиб, Ҳамиша озода сақлар эди. Лекин бирон мартаба ҳам кимгадир “кўз-кўз” қилганини ёки уришганида ўқталганини, “кўрсатиб кўрқитмоқчи” бўлганини ҳеч эшитмаганмиз. Бугун эса кекса отамдаги ўша мардлик ёш йигитларда мавжуд эмаслигидан, уришиб қолгудек бўлиши, ўзларини ҳимоя қилиш учун олдилари-

JANLGA ERK BERISH JOHILLIKDIR

“Пичоқлаб қўйибди” деган сўзни эшитганимизда, баданимиз жимирлаб кетади. Қўйинг-е, бундай совуқ гапни, деб кўямиз. Лекин ана шу “совуқ” ишни сизу бизга ўхшаган инсонлар қилаётгани, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолаётгани ва кимнингдир умрига зомин бўлаётгани ачинарли ҳолат.

да пичоқ ва унга ўхшаш тигли асбоблар олиб юришидан қалбим аламга тўлади. Бу нима деган, ном бўлдики эр йигит ўз кучига эмас, пичоқ тигига ишонса... Бироқ биргина афсус билан муаммо ҳал бўлиб қолмас экан. Узоқ-яқиндан келиб турган хабарларни эшитсак, орасида “Униси бунисини пичоқлаб

қўйибди”, “Гуруҳ бўлиб, бир болани дўппослашибди-я”, “Кучлари етмаганидан сўнг, пичоққа ёпишибди”, “Ота-онасини йиғлатиб кетди-да”, “Йигит бўлмай қолгурлар, урибсан пичоқлашга нима бор эди”, деган мулоҳазаларнинг борлиги кишини қайғуга бошлайди. Наҳотки, тарихи Темурга туташган, “туркнинг

бош бўғини” бўлган буюк ўзбек миллатидан, халқимиз орасидан ана шундай ноқобил инсонлар етишган бўлса. Бир устозим, болалик хотираларини эслаб, шундай деган эди: “Бизнинг давримизда йигитлар қайсидир масалада келишмагандек бўлса, бирга кураш тушар, енгилган полвон эса кечирим сўрар, голиби ҳаволанмай елкасига қоқиб кўяр эди”. Қаранг қандай самимий ва эзгулик билан хотимасига етадиган усул. Ахир, ҳар бир масаланинг ечими яхшиликка олиб борсагина орзу қилганимиз каби буюк келажакка эришмаймизми?

“Пичоқлаб қўйибди” деган сўзни эшитганимизда, баданимиз жимирлаб кетади. Қўйинг-е, бундай совуқ гапни, деб кўямиз. Лекин ана шу “совуқ” ишни сизу бизга ўхшаган инсонлар қилаётгани, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолаётгани ва кимнингдир умрига зомин бўлаётгани ачинарли ҳолат. Биргина кечирим сўраш билан якунига етадиган, устозим айтган полвонларнинг биллагиди куч кам эди, дейсизми? Йўқ, аслида улар ҳақиқий мард бўлган. Ҳозирги, пичоғига ишонадиган “полвонлар”даги кучни эса ҳақиқий деб айта олмаймиз. Йигит деган номга доғ тушираётгани эса ўзига бир умрлик тамға бўлиб қолиши мумкин.

Кимнингдир номардлиги оқибатида оналар дийдасида ёш қотиши, оталар боши эгилиши, ҳали ҳаёт остонасидаги ёш ниҳол беҳуда сўлиши мумкин. Мен бир нарсани орзу қиламан. Бу ҳам бўлса, пичоқларимиз кимнингдир ҳаётига нуқта қўйиш учун эмас, фақат ва фақат меҳмон келганида паловга сабзи тўғраш учун ишлатилсин. Яхшилар билан бўлиш, яхшилар даврасидан ўрин олиш ва яхши фазилатимиз билан яхши ном қозониш барчамизга насиб қилсин.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
Сирдарё вилояти Мирзаобод
туманидаги
15-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

TELEFONDA SO‘ZLASHISH MADANIYATI



Ҳар бир нарсанинг меъёри бўлганидек, телефонда сўзлашнинг ҳам меъёр ва қоидалари бор. Чунки бизнинг маданиятимиз ана шу сўзлашувларда ҳам акс этади.

Муҳим телефон сўзлашувлари қиска, мулоий ва ҳурмат юзасидан бўлиши керак. Тадиқотларга кўра, тик турган ҳолда гаплашилса, овоздаги оҳанг қатъийроқ бўлади. Ўтирган ҳолда овоз юмшоқ ва мулоимроқ чиқади. Рақам терешдан аввал, албатта, ўйлаб кўриш лозим. Сизнинг кўнгиригингиз ўша кишига хуш келадими?

Телефонда суҳбатлашишдан олдин, албатта, “сизни ишдан қолдирмадимми?” деб сўранг. Танишлар билан суҳбатлашаётганда сизга муҳим иш билан кўнгироқ қилиб қолишлари мумкин. Шундан ундан уэр сўраган ҳолда бошқага уланинг. Суҳбат тугагач, яна олдинги суҳбатни давом

эттирсангиз, бу сизнинг маданиятингиздан дарак беради.

Кечки соат ўндан сўнг бировларга кўнгироқ қилманг. Агар телефон 3 марта чақирса, уни ҳеч ким кўтармаса, бошқа кўнгироқ қилманг. Агар сизга кимдир рақамни нотўғри териб, тушиб қолса, кўполлик қилмай жавоб беринг.

Ёдда туттиш керак бўлган яна бир қоида бор. Огоҳлантормасдан бировнинг уйига борманг. Телефон қилаётганда ҳеч қачон аввал “ким бу?” деб сўраманг. Телефонда гаплашаётган вақтда алоқа узилиб қолса, ўша одамга қайта кўнгироқ қилинг. Гўшақдан бақириб гапирманг, бу эшитишни яшиламайди. Яхшиши шошмасдан, сўзларни аниқ ифодалаб гапирингки, гаплашаётганда ўртача балангликда эшитилсин.

Кимнидир телефонга чақириб беришларини сўрашса, “Ким сўраяпти?” деб қизиқманг. Агар бу раҳбарингиз

бўлса, қандай жой билан уланаётганингиз ва ким гапиряётгани, қаердан, нима мақсадда сўраётганини билиб олинг.

Гўшақни ҳеч қачон кўтариб қўйманг. Яна кўнгироқ қилишлари мумкин. Яхшиси, “20-30 дақиқадан кейин кўнгироқ қилинг”, деб айтинг. Агар зарур ишингиз бўлмаса, ишдаги одамга шахсий ишлар билан кўнгироқ қилманг. Телефонингиз олдида қайд дафтарчаси ва қаламнинг туриши зарурият тугилганда ёзиб олишда қўл келади.

“Марҳамат қилиб”, “раҳмат” сўзлари ишлатилса яна яхши. Бироқ узоқ сўрашиб, бошни қотирмаган маъқул. Телефонсиз инсонга тез ёрдам кўрсатиб бўлмайди. Бунда воқеани аниқ ва лўнда ифода этиш зарур. Агар фавқулодда

керак” деб кўнгил сўраб борган маъқул.

Агар вазият тақозоси билан кимнингдир уйига ишхонадан телефон қилишга тўғри келса, аввало уэр сўраб, сўнгра мақсадни баён қилинг.

Ғарб давлатларида телефон орқали ҳар қандай суҳбат 3-5 дақиқадан ортик давом этмаслиги керак, деб ҳисоблашади. Бунга ҳеч бўлмаганда, иш юзасидан бўлаётган суҳбат жараёнида амал қилинг. Қоида бўйича, кўнгироқни қабул қилаётган шахс биринчи бўлиб танитмаслик ҳуқуқига эга.

“Ким билан гаплашяпман?”, “Бу ким?”, “Мен қаерга тушдим?” каби сўроқ билан гап бошлаш одобсизлик саналади. “Ким сўраяпти?” дан кўра, “Нима деб қўяй?” деган сўроқ яхши.

Телефонда сўзлашаётганда тинглаш одоби муҳим. Кўчада, одамлар орасида баъзида мобил телефон орқали бақириб гаплашаётганларни учратиб қоламиз. Жамоат жойларида мобил телефонингизга кўнгироқ қилиб қолишса, агар зарур бўлмаса, яхшиси: “Ҳозир транспортда ёки фалон жойда эдим. Сал туриб,

ўзим кўнгироқ қиламан”, деб жавоб берган маъқулроқ.

Муҳими, телефонда сўзлашув сизнинг маданиятингизни қай даражада эканлигини белгилайди.

Марям АҲМЕДОВА тайёрлади.

oilavajamiyat@mail.ru



ҳодиса бўлган вақтда қўлингизда телефон бўлса, ёрдам чақирш учун беринг. Қариндош, дўст ва танишлар бошига бирор иш тушса, телефон орқали сўраш яхши эмас. Бундай пайтда, албатта, уларнинг олдига бориб “қандай ёрдам



“АВТОБУС ҚАТНОВИНИ КО‘РАЙТИРИШ КЕРАК!”

Бугунги кунда автобуслар асосий жамоат транспортларидан биридир. Шундай экан аҳолининг унга бўлган талаби ҳам кундан-кун ортиб бормоқда. Ҳа, тўғри-да, пойтахтда қанчадан-қанча янги хонадонлар қурилиб, аҳоли кўчиб келаётган, талабалар сони ҳам ортиб бораётган бир вақтда автобуслар танқислиги сезилиб қолар экан. Айниқса, кечки таълимда ўқиётган, навбатчиликдан сўнг уйга қайтаётган йўловчилар учун транспорт топши масаласи анчайин қийин муаммо... Ушбу масала юзасидан муҳбиримиз йўловчилар ҳамда мутасаддилар фикри билан қизиқди.

“АВТОБУСГА СИГМАЙ ҚОЛЯПМАН...”

— Ҳа, ўзим айтиб туришман, доим “Эркин кўргони” “Гулбод кўчаси” йўналиши 84-автобусда қатнайман, — дейди Сунбула Воҳидова. — Агар сизга, албатта. Бундай дейишимнинг сабаби дарсим кечки соат олтидан кейин тугайди. Дарсдан чиқиб, бекатда 84-автобусни кутаман, баъзида 20, баъзан 25 дақиқада етиб келган автобусга сигмай қолган вақтларим кўп бўлади. Уйга жуда кеч етиб бориб, оила аъзоларимни ҳам хавотирда қолдираман. Мақсадим талаба бўлиш, ҳар дақиқам ғанимат. Ҳатто ҳар соатда бир нима ўрганишим, бирор тест саволига жавоб топишим мумкин. Битта саволнинг жавоби хато белгиланса ҳам талабалик бахтидан мосуво бўлишимни ўйласам қўриқиб кетаман. Вақтимни бекатда ва кечки пайт тошбақадек судралиб юрвчи автобусларда ўтказишни хоҳламайман.

Бу борада “Тошшаҳар-транسخизмат” акциядорлик жамияти матбуот котиби Равшанжон Ёқубжонов шундай дейди:

— Акциядорлик жамиятимиз аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган давлат кўмағида фаолият олиб боради. Халқимиз учун хизмат қилаётган 6 минг ишчи зиммасига юклатилган вазифани қўлидан келганча бажармоқда. Буйруқни ортиги билан бажаришнинг эса иложи йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги “Тошкент шаҳрида

йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори асосида “Тошшаҳар-транسخизмат” АЖ тизимидаги қорхоналар ҳаракат таркибини катта ва ўрта сизимли автобуслар билан янгилаш дастури тасдиқланди. Қарор натижасида икки йил ичида 300 та янги ва замонавий автобуслар ишга тушган. Улардан 160 таси кондиционерли, замонавий жиҳозланган бўлиб, йўловчилар учун ҳамма шароитлари мавжуд. 2020 йилда ҳам 300 та янги автобуслар келиши тўғрисида. Тобора кўпайиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун қўлимиздан келган



ҳамма ишни қиламиз.

ҲАЙДОВЧИ ВА ЧИПТАЧИЛАР МУОМАЛАНИ БИЛМАЙДИ

Камола ая Содиқова, нафақадаги шифокор:

— Шу кунларда кўчага чиқиб кўрган вазиятим мени бироз уйга толдирди. Ҳа, ўзим нафақадаман, тушдан кейин шифохонага даволанишга қатнашман. Кечки соат 5-бларда қайтаман. Чилонзор буюм бозоридаги бекатда турар эканман одамларнинг ҳар бир келган автобусга подадек (уз сўрайман, кўз олдимга келган нарсани айтдим) ёпирилиши кўнглимни оздириб юборади. Ҳамманинг дарди бир: қолиб кетмаслик. Ҳа, ўзини эшикка урган, бундай вақтларда каттани катта, кичикни кичик дейишмас экан. Шу боис бозор ҳудудидан ҳамда йўловчилар гавжум бўлиб чиқадиган йўналишлар буйлаб қатновчи автобуслар сонини кўпайтириш керакмикан?

Автобусда қатнар эканман, баъзи чиптачи ва ҳайдовчиларнинг ўзини тутиш масаласи ҳам диққатимни оширди. Йўлда сал тирбандлик бўлиб, енгил машиналар нотўғри ҳаракатланиб қолишса ҳайдовчи бутун ғазабини сочиб ёмон сўзлар билан сўкиниши,

чиптачиларнинг мактаб болаларини турткилаб, қарияларнинг имиллаб ҳаракатланишини, жеркишини кузатиб кўнглим хира тортиди.

Камола аянинг шикоятлари буйича берилган саволимизга “Тошшаҳар-транسخизмат” акциядорлик жамияти матбуот котиби қўлидаги жавоб берди:

— Ҳафтанинг ҳар шанба кунини ҳайдовчи ва чиптачилар учун алоҳида маданият соати ўтказилади. Аммо “гуруч курмасиз бўлмайди” деганларидек маданият қондаларига риоя қилмайдиган ҳайдовчи ёки чиптачилар ҳам учраб туради. Ахир йўловчилар орасида ҳам мана шундай “гуруч курмаклири” йўқ деб бўлмайди.

НОҚУЛАЙ ГАВЖУМЛИК

— “Шифокорлар шаҳарчаси” “Чилонзор буюм бозори” йўналишидаги 116-автобусда қатнайман, — дейди Салима Абдуллаева исмли талаба. — Баъзан автобус ичидаги тикилинчи кўриб чиққим келмайди. Аҳвол жуда ёмон: кимдир кимдирни итарган, оёғини босган (бундай вақтларда маданиятдан йироқ инсонларнинг оғзидан истар-истамас ёмон сўзлар чиқиб кетади), нимадир тушиб кетиб ололмаган. Энг ёмони шундаки, баъзи йигит(хаттоки ёши катта кишилар ҳам)лар шундай фурсатлардан фойдаланиб, қиз-жувонларга тегажоллик қилмоқчи бўлишади. Э-

какнинг юзи аёлнинг юзига тегиб ноилоҳжидан бир-бирига ёпишиб туришини кўрсам, жаҳлим чиқиб кетади. Пойтахтда шундай аҳвол бўлиши жуда ачинарли.

“ЮЗ СЎМИМНИ ҚАЙТАРМАЙСИЗМИ?”

Чамаси 10 синфда ўқийдиган икки дугонанинг айтибсизга сўхбати:

— Бу чиптачилар нега ундай экан тушунмайман?

— Нимага бунақа деяпсан?

— Ойим ҳар доим ҳисоблаб пул берадилар, бундай вақтда уйимиздаги шароитни тушунишга ҳаракат қиламан. Йўл ҳақини олган чиптачиларнинг қайтим бергиси келмайдими ҳайронман. “Юз сўмимни қайтармайсизми?” дейишга одамлар олдида уяламан, ойим эса “доим ўз ҳақингни ол, биз учун юз сўм ҳам пул”, дейдилар.

— Ҳа, чиптачиларнинг кўпчилиги шунақа, лекин мен доим қатнайман 10-автобуснинг чиптачиси йўқ, шундай бўлишига қарамай, ҳайдовчи қайтимни қолдирмай беради, олганимизга қўймайди.

— Қанийди, ҳамма ҳайдовчилар ҳам шундай инсофли бўлишса...

Тан олиш керак, ҳар бир соҳанинг ўз ютуғи ва камчилиги бўлади, шу билан бирга аҳолининг узоғини яқин қилиб келаятган автобуслар ҳам халққа қўлидан келганча хизмат қилмоқда. Қилинаётган баъзи шикоятлар ҳам ўринли, албатта. Лекин қарс икки қўлдан чиқади, йўловчилар ўзини яхши тутиб, транспортда юриш маданиятини унутиб қўймас, транспортдаги камчиликлар ҳам бартараф этилади, автобуслар кўпаяди деган умиддамиз... Биздан эса фақат сабр қилиш қолди...

Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

ЭЪЛОН

Санақулов Муҳаммад Кенгаш ўғлига Тошкент тўқима-чилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-сонли академик лицей томонидан 2018 йилда берилган L №344963 рақам билан рўйхатга олинган диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Maktub yozishni bilasizmi?

Мактуб – ярим дийдор, деган гап бежизга айтилмаган. Узоқ мuddатдан буён сиздан олисда бўлган инсонингиз билан мактуб ёзишиб, ғойибона дийдорлашсангиз бўлади.

Мактуб – кўнгил ойнаси, деган гап ҳам бежизга айтилмаган. Турли сабаблар туфайли кимнингдир ўзига айтишга ботина олмаган гапларингизни мактуб орқали эмин-эркин билдиришингиз мумкин.

Булар майли, ўз йўлига. Аммо сиз ҳеч ўйлаб кўрганмисиз:

– Илк мактублар қачон пайдо бўлган?

– Илк мактубнинг бугунги мактублардан фарқи нимада?

– Мактуб ёзишнинг ҳам талаблари, ўзига хос жиҳатлари борми?

– Ҳозирги технология асрида ҳам қоғоз мактубларга эҳтиёж бормикан?

ҚИЗИҒ-А?! ТЎҒРИМИ?

“Мактуб” сўзи тилимизга арабчадан кириб келган бўлиб – ёзилган, китобат қилинган маъноларини билдиради. Бироқ илк мактублар айнан қайси йил ёки асрда пайдо бўлгани ҳақида аниқ бир тўхтамга келиш мушкул. Фақат шуниси аниқки, ер куррасига инсоният қадами етгандан бери одам насли кейинги авлодларига ўзидан қандайдир нишона, хабар қолдирмоқчи истаб яшаган. Ул қадим даврларда қоғоз тугул, ҳатто сўзлар ҳам кашф қилиниб улгурилган эмасди. Шунинг учун одамзод ўзидан нишонларини турли хил расмча, шакл ва белгилар кўринишида қолдиришга мажбур эди. Уларни эса ибтидий бобо ва момоларимиз қоятошларга, дарахт таналаридан топилаган битиклардир. Ҳамда илк мактублар бугунги мактублар сингари кўпроқ ҳиссиётларни эмас, фақат фикрларни ва маълумотларни етказишга хизмат қилган.

Yoxud nima uchun aynan maktub?!



Гўзал мактуб ёзиш

учун ҳуснихатингиз рисоладагидай бўлишидан ташқари, яна сўз бойлигингиз ҳам юқори бўлмоғи керак. Чунки соғинч, меҳр, миннатдорчилик, муҳаббат сингари гўзал кечинмаларни ҳар ким ҳам қалбидан кечириши мумкин, лекин уни ҳис этиб тургани каби тушунарли қилиб баён этиш учун керакли сўзларни топа билишимиз лозим.


шу йўсинда ўзининг ривожланиш босқичини босиб ўтди.

Бундан хулоса қилиб шундай тўхтамга келишимиз мумкинки, инсоният тарихидаги илк мактублар – қоятошлар ва дарахт таналаридан топилаган битиклардир. Ҳамда илк мактублар бугунги мактублар сингари кўпроқ ҳиссиётларни эмас, фақат фикрларни ва маълумотларни етказишга хизмат қилган.

МАКТУБ – АДАБИЙ ЖАНР

Юқорида таъкидлаганимиздек, кўпгина бошқа нарсалар каби Мактуб ҳам турли босқичдаги шаклланиш жараёнини бошдан кечирган. Буни шундан таққослаб кўрсангиз ҳам бўладик, ол-

динлари ёзилган мактубларни манзилга чопар ёки махсус кабутарлар элиб берган бўлса, кейин-кейин почта хизмати йўлга қўйилди. Бугунги замонамизда эса мактубни ҳаттоки электрон ҳолатда ниҳоятда тез ва осон жўнатишнинг имкони мавжуд. Аммо токи бугун мактуб ҳақида мулоҳаза юритишга қарор қилган эканмиз, ўз ўрнида бадиий мактубларга қисқagina тўхталиб ўтмасликнинг иложи



йўқ. Ҳа, шундай. Замона зади йўл ўзгариб мактуб бадиий шаклга ҳам эга бўлди! Яъни энди мактубда нима битилгани эмас, қандай битилгани ҳам эътиборга молик эди. Бадиий адабиётнинг ажралмас қисми бўлган мактуб жанри шу тақдир дунёга келди, десак янглишмаган бўламиз.

Кўпгина бадиий асарларда ёзувчилар ўз асарининг маълум қисмидагина “мактуб” жанридан фойдаланса, асарини бутунлигича мактуб жанри асосида ёзган муаллифлар ҳам

йўқ эмас. Намуна тариқасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини, немис ёзувчиси Иоганн Вольфганг Гётеннинг “Еш Вертернинг изтироблари” асарини, Стефан Свейгнинг “Бир аёл мактуби” асарини, ҳамда буюк шоир ва мутафаккир боболонимиз Алишер Навоийнинг ахлоқий-тарбиявий ва бадиий қарашларни қамраб олувчи жами 88 та хатдан иборат “Муншаот” асарини, қолаверса бутун дунё адабиётидан яна бошқа кўплаб муҳташам асарларни санаб ўтсак бўлади.

ҚАЛБИНГИЗ БИЛАН ЁЛГИЗ ҚОЛАСИЗ

Бугунги имкониятларни ҳисобга олсак, жудаям ўринли савол! Ҳўш, нима учун айнан мактуб?! Ахир ёнингизда бўлмаган инсонингиз билан гаплашиш учун бугун мобил телефон, турли хил ижтимоий тармоқлар турганда, ортиқча овора бўлиб қадим замонлардагидай мактуб ёзишиб ўтиришнинг ҳожати борми?! Азиз дўстим, бу саволга ўз-ўзингизча жавоб топишингиз учун бир мисол келтирмоқчиман. Тасаввур

имконини туғдиради, лекин дўстингизга мактуб ёзганингиздаги каби ички кечинмаларингизни эмин-эркин, самимий ва батафсил баён қилишнинг имконини ярата олмайди. Ахир мактуб ёзаётганингизда сиз ўзингиз ва қалбингиз билан ёлғизсиз, сизни дилингиздагиларни айтишдан ҳеч ким ва ҳеч нарса чалғитиб қўймайди-да.

“... АДОЙИ АНВАРИНГИЗ!”

Гўзал мактуб ёзиш учун ҳуснихатингиз рисоладагидай бўлишидан ташқари, яна сўз бойлигингиз ҳам юқори бўлмоғи керак. Чунки соғинч, меҳр, миннатдорчилик, муҳаббат сингари гўзал кечинмаларни ҳар ким ҳам қалбидан кечириши мумкин, лекин уни ҳис этиб тургани каби тушунарли қилиб баён этиш учун керакли сўзларни топа билишимиз лозим. Инсон сўз бойлигини беқиёс даражада оширувчи деб эътироф топган асосий манба эса, ҳеч шубҳасиз, бадиий асар ва ҳар хил шеърини китоблардир. Дарҳақиқат, киши қанча кўп бадиий асар ўқиса, қанчалик кўп шеърлар ёдласа, сўз бойлиги ҳамда сўздаги нафосатни ҳис эта олиш қобилияти шунча орта боради.

Сизга бера оладиган яна айрим тавсияларим шундан иборатки, мактуб ёзганда жумлаларингиз ортиқча чўзилиб кетмасин. Жумлалар имкон қадар қисқа ва лўнда бўлгани маъқул: токи уни ўқиган киши сўзларда ифодаланган маънони тушунмоққа қийналмасин. Гапни эса, албатта, “Ассалому алайкум!”дан бошланг. Сўнгра мактуб олувчининг саломатлиги, кайфиятини сўранг. Бунда сизнинг салом берганингиз мактуб олувчининг ҳурмат қилишингизни билдирса, ҳолаҳвол сўраганингиз учун қайғуршингизни аңлатади. Айтмоқчи бўлган бор гапингизни ёзиб бўлганингиздан кейин уни олувчига омонлик тилаб, энг сўнггида исмингизни келтиришни ҳам унутманг. Эсингизда бўлса Абдулла Қодирининг “Меҳробдан чаён” асари қаҳрамони – Анвар ўзи мактубини «... адоий Анварингиз!» деган жумла билан тугаллар эди. Демак, сиз ҳам ота-онанингизга мактуб ёзганингизда “сизни яхши кўрувчи фарзандингиз”, ёки бирор дўстингизга мактуб ёзганингизда “сизга яхшилик истовчи дўстингиз” қабилида тугалласангиз, бир қадар мукамалликка эришган бўласиз.

Байрам АЛИ

Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1136. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1922. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Набатчи: Ч. Дўстматова
Мусахҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.